- Селунгур ғори 1958 йили академик А.П.Окладников томонидан топиб ўрганилган. Олим у ерда археологик қазилмалар ўтказиб, топилган тош қуролларга қараб, ғор юқори палеолит даврида, яъни бундан 40-30 минг йил бурун ибтидой одамлар томонидан ўзлаштирилган деган холосага келади. Аммо, 1980 йилдан бошлаб А.П.Окладниковнинг шогирди, ўзбек археологи, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси У.Исмоилов горни қайта ўргана бошлади. У.Исмоилов ғорнинг бир неча жойида қазилмалар ўтказиб, тошдан ишланган жуда бой меҳнат қуроллари ва ҳайвон суюкларини топди. Олим Селунгурда яшаган аждодларимиз ғорни қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичида эмас, балки ашел даврининг босқичида ўзлаштирганликларини исботлади. Селенгур ғори тарихимиз учун бениҳоят муҳим ёдгорлик. Бу маконда аждодларимизнинг суюк қолдиқлари ҳам топилди. Антрополог олимлар Селенгур суюк қолдиқларининг синантропларга замондош эканлигини айтмоқдалар. Селенгурнинг асосий тадқиқотчisi У.Исмоилов эса ғор материалларини қайтадан ўрганиб, уларнинг ёши яқин бир млн. йил атрофида бўлиши керак, деган холосага келди. Селенгур горидан одамнинг қолдиқлари Фарғона водийсидан топилгани учун, унга "Фергантроп", яъни "Фарғона одами" деган шартли ном бериш таклиф қилинмоқда. Селенгурдаги илмий изланишлар ва у ердан топилган одам ер юзида одамнинг пайдо бўлиши муаммоси ечимига кўшилган улкан ҳисса бўлиб, эндиликда Ўрта Осиё ҳудудида одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалар қаторига кирди.
- Ашел даврининг сўнгги босқичида, тахминан бундан 200 минг йиллар бурун қадимги аждодларимиз Кўлбулоқ яқинидан ўзларига қароргоҳ топганлар. Кўлбулоқ қароргоҳи Ангрен шаҳридан 10-12 км ғарбда бўлиб, шу ном билан аталган булоқ суви ёқасида жойлашган. Ёдгорликда бир неча юз минг йиллар давомида ибтидой аждодларимиз яшаганлар.

- Кўлбулоқ манзилгоҳи 1862 йилда топилди ва 1963 йилдан бошлаб бу ерда ўзбек археологи М.Р.Қосимов изланишлар олиб борди. Ёдгорликни қазиш жараёнида унинг қадимги тош даврининг деярли барча босқичларига (ашел, мустъе, юқори палеолит) тегишли эканлиги исботланди. Кўлбулоқда одам қолдиқлари топилмаган, аммо тош қуроллар ва ҳайвон суюклари беҳисоб. М.Р.Қосимовнинг фикрига кўра, Кўлбулоқнинг қуи қатлами ашел даврининг сўнгти босқичига тегишидир. Ушбу ёдгорлик бутун Ўрта Осиё қадимги тош (палеолит) даври ёдгорликлари учун археологик даврий тизим берди. Юқорида баён этилган далилларга асосланган ҳолда қуидаги хуносага келиш мумкин.
- Ўрта Осиё, жумладан Фарғона водийси ўзининг табиий иқлим шароитида ва экологик имкониятларига кўра, ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичи – ашел давридан бошлаб энг қадимги аждодларимизнинг эътиборини ўзига тортган ва бу минтақадаги Селенгур ғорида синантропларнинг замондошлари илк бор макон топган. Бу макондан одам суюк қолдиқлари топилди. Бу воқеа Ўрта Осиёни одамнинг пайдо бўлиш минтақалари туркумига киритди.
- Селенгур топилмаси жуда ёмон сақланган. Аммо академик В.П.Алексеев ва профессор Т.К.Хўжаевлар фикрига кўра, бу ердан топилган одам бош суюги қопқоғининг морфологик тузилиши унинг жуда қадимий ва гордан топилган бошқа кимёвий далиллар билан замондош эканлигини инкор этмайди. Ушбу топилма ўз аҳамияти билан Ўрта Осиё ҳамда Ўрта Шарқ минтақасида тенгсиз каашфиёт ҳисобланади. Шунинг учун ўзбек археологлари ва антропологлари уни "фергантроплар", яъни "Фарғона одамлари" деб атамоқдалар. У одамнинг пайдо бўлиши шажарасида питекантроп билан неандертал одамнинг оралиғидаги бўғинни тўлдиради.
- Ибтидоий тўда даврининг сўнгти босқичи археология фани даврий тизимида мустъе даврига тўғри келади. Бу даврда яшаган аждодларимиз эса одамнинг пайдо бўлиши шажарасида неандертал одами номи билан фанга кирган.

- Неандерталлар даврида ибтидоий аждодларимиз ер юзининг қатор мінтақаларини ўзлаштирадилар. Неандерталлар яшаган замонни археолог ва геолог олимлар бундан 100-40 минг йиллар билан белгилайдилар. Ана шу 60 минг йил давомида неандерталларнинг биологик-жисмоний тузилишида кескин ўзгаришлар юз берди. Агар бундан 100 минг йил бурунги неандерталларни тасаввур этадиган бұлсак, улар ҳали паст бүйли, пешонаси ва пастки жағи деярли йўқ, икки озиқ тиши бўртиб чиққан, қўл панжалари калта ва йўғон, болдир суюклари бир оз эгри бўлганлиги учун тик туриб юра олмаган. Бундан 40 минг йил бурун яшаган неандерталлар эса кўп жиҳатдан деярли ҳозирги замон одамларига яқин бўлган.
- Уларнинг орасида баланд бўйлилари учрайди. Пешонаси ва пастки жағи шаклланган. Икки озиқ тишлари бошқа тишлардан ажralиб турсада, ташқарига бўртиб чиқмаган. Оёқлари тик ва бели тўғри. Неандерталларнинг биологик тузилишидаги бу кескин ўзгаришлар, албагта уларнинг пиширилган гўштни кўпроқ истеъмол қилишга ўтганлиги натижасидир.
- Ўрта Осиёда неандерталлар даврига оид биринчи ёдгорлик 1938 йилда А.П.Окладников томонидан Бойсун тогининг Тешиктош деб аталган горидан топиб ўрганилди. Ҳозирги кунда Ҷеандертал замондошлиари яшаган маконлар Ўрта Осиёда 50дан ортиқ жойдан топилган. Ўзбекистонда улар Тошкент вилоятининг Обираҳмат, Хўжакент, Палтов номли унгур ва ғорларида, Кўлбулоқ деб аталган қадимги булоқ ёқасида Самарқанд вилоятининг Кўтиrbулоқ, Зирабулоқ, Хўжамазгин деб номланган булоқ ёқасида, Бухоро вилоятидаги Қизил Нурота, Самарқанддан Китобга олиб борувчи Тахттокарача довонида жойлашган Омонқўтон горида, Навоий вилоятидаги Учтутда топиб ўрганилди. Мустеъе даври ёдгорликлари қўшни Тожикистонда (Қорабура, Жарқўтон) ва Қирғизистонда ҳам кўплаб топилган.

- Бу ёдгорликларда ўтказилган археологик қазилмалар вақтида ўша замон одамларининг тошдан ишланган меҳнат қуроллари (қўл-чўқмор, ҳайвон терисинишилишда ишлатиладиган тош "пичоқлар", тош учурук ва тош ўзаклар нуклеос) кўплаб топилган. Қазилма жараёнида ҳар хил ҳайвонларнинг сүяқ парчалари ва шохлари ҳам учраган. Олимлар ана шу топилмаларни ўрганиб, неандерталга замондош аждодларимизни овчилик билан, биринчи галда йирик ҳайвонлар ови билан шуғулланганлари ҳақида холосага келганлар. Неандерталларнинг кундалик ҳаёти жуда ожиз бўлиб, кундалик ҳаёт кечириш йўлида йиртқич ҳайвонлар билан, табиатнинг изгирин, совуқ иқлими билан доимо кураш олиб боришига тўғри келган. Аждодларимиз ҳали ёввойи ҳайвонлардек гала-гала бўлиб яшаганлар, жамоатчилик куртаги бу даврда шаклланмаган. Никоҳ тизимида тартибсизликлар ҳукмрон бўлган, йирик ҳайвонларни ов қилиш ҳар доим ҳам муваффақиятли бўлавермаган. Неандерталлар ҳам тез югурувчи кичик ҳайвонларни ов қилишга одатланмаганлар. Чунки бу замонда узоқдаги тезкор ҳайвонларни нишонга оловчи қуроллар қашф этилмаган. Ҳатто дара ва кўллардаги балиқларни тутиш учун зарур тош найза ва тош қармоқлар ҳам йўқ эди. Ана шундай оғир ҳаёт кечирган аждодларимиз олдида яшаш учун ягона чора – йирик ҳайвонларни ов қилиш ва ёввойи дарахтларнинг меваларини ҳамда айrim ўсимликларнинг илдизларини ковлаб истеъмол қилишдан иборат эди.
- Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда топилган мустеъ даври ёдгорликлари орасида Тешиктош ғори алоҳида аҳамият касб этади. Юқорида эслаб ўтилганидек, неандертал одамларнинг асосий машғулоти ҳайвон ови бўлган.
- Ов тешиктошликлар ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Шунинг учун бўлса керак, тешиктошликлар ўз болаларининг мозорларини ўзлари учун муқаддас бўлган (одатда, қадимги аждодларимиз ҳаёт манбай бўлиб хизмат қилган ҳайвонларни муқаддас ҳисоблаб, уларга эътиқод қилганлар, кейинроқ уруғ жамоалари тотемлари шаклланишининг асосида ҳам ана шу эътиқод қилинган ҳайвонлар турган) ҳайвон шохлари билан ўраб, "нариги" дунёга кузатганлар.

- Бу факат неандерталлар замонасида аста-секин диний тасаввурларнинг қандайдир элементлари пайдо бўлаётганидан далолат беради.
- А.П.Окладников Тешиктош ғоридан топилган материалларни ҳар томонлама чукур ўрганиш асосида ушбу ёдгорликнинг ёшини аниқлади ва унинг мустъе даврининг илк босқичига тегишли эканлигини исботлади.
- Тешиктош ғоридан топилган 9 яшар неандертал боланинг мозори жаҳон тарихи ва билогия фанларида буюк кашфиёт бўлди. Чунки жаҳон олимлари орасида яқин кунларга қадар одамнинг пайдо бўлиши илмий назарияси атрофида тортишувлар давом этиб келинарди. Айниқса, одамзоднинг олий ва паст ирқлари бўлиб, олий ирқ вакиллари устидан доимо хукмрон бўлмоқлари керак, бу тарих тақозоси деган реакцион ирқчилик ғоясини олға сурган эди. Аслида кишилик тарихида қўйидаги З та: европоид, негроид ва монголоид ирқлари бор. Улар ер куррасининг ҳар хил минтақаларида бир вактда пайдо бўлган. Уларнинг биронтаси ҳам ўзининг олий ирққа мансублигини исботлай олмайди. Бу – тарихий ҳақиқат.
- 1938 йилда А.П.Окладниковнинг Тешиктошда қилган кашфиёти фашист мафкурачиларининг бу даъвосини чиппакка чиқаради. Барча миллат ва элатларнинг ўз бошидан қачонлардир неандерталлар босқичини босиб ўтганлиги яна бир бор исботланди.
- **Онгли одам ва ирқларнинг пайдо бўлиши жараёнларини англатиш, ирқларнинг пайдо бўлиш жараёнини тавсифлаш.**
- **Онгли одамнинг пайдо бўлиш жараёни**
- Кадимги тош даврининг сўнгги босқичи ибтидоий жамоа тузумини археологик даврлаштиришда юқори палеолит номи билан аталади. Олимларнинг фикрича, бу давр бундан 35–40 минг йиллар олдин бошланиб, милоддан аввалги 12–10 минг йилликкача давом этган. Палеолитнинг мустъе босқичи ўз ўрнини унинг юқори палеолит босқичига бўшатиб беради. Ибтидоий тўда даврининг вайроналарида кишилик жамиятининг дастлабки бўғини – ибтидоий жамоа таркиб топади.

- Ибтидой тўдадан ибтидой жамоага ўтишда тошдан меҳнат қуроллари ясаш техникасида, ибтидой хўжалик шаклларида, ибтидой одамнинг турмуш тарзида, уларнинг ижтимоий муносабатларида, дунёқарашида, ҳатто одамнинг жисмоний тузилишида ҳам кескин ўзгаришлар юз беради. Масалан, бу давр одамида пешона ва пастки жағ шаклланади. Қош ости бўртмаси йўқолади. Бу давр одамларининг суюклари неандерталларники сингари йирик эмас, қўл, оёқ ҳаракатларида чаққонлик сезилади. Хуллас, ҳозирги одамларнинг жисмоний хусусиятлари уларда тўлиқ аксини топган. Олимлар бу давр одамига ақл-идрокли, онгли одам деб ном бердилар. Антрополог олимларнинг илмий кузатув ишларига кўра, кейинги 35–40 минг йиллар давомида одамзоднинг биологик жисмоний тузилишида сезиларли ўзгариш бўлмаган.
- Юқори палеолитда ҳозирги замон типидаги одамнинг шаклланиши бир вақтнинг ўзида оврўпа, негр ва мўғул башара ирқларининг пайдо бўлишига олиб келди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, одамлар орасидаги ирқий тафовут – бу инсон ҳаёти ва унинг табиати сирларини билиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлмаган иккинчи даражали кўринишдир. Улар бир-бирларидан терисининг ранги, сочи, кўзларининг шакли ва ранги, мускулларнинг катта-кичклиги, бош суюгининг шакли ва бошқа белгиларидан фарқ қиласи. Уларнинг барчаси учун питекантроп, синантроп ва неандертал тараққиёт босқичларини ўтиш жоиз бўлган ва одамзоднинг ақл-идрокли одам босқичини уч иркнинг ҳар бир даврида босиб ўтган.
- Оврўпа ирқи одамлари фанда кроманон одами номи билан юритилади. Бу тип асосан Оврўпада яшаган. Кроманон одам баланд бўйли, қоматли, бош суюги ва юзи узунчоқ, терисининг ранги оқ, кўзлари кўк, соchlари сариқ бўлиб, Оврўпонинг мавжуд табиий шароити бу типни ана шундай аломатлар билан шаклланишини таъминлаган. Уни ҳозирги кунда европоид деб аташади.
- Негр ирқи одамларининг бўйи кроманонлардан пастроқ бўлиб, елкаси кенг, болдири суюги узунрок, тишлари олдинга бўртиб чиқкан, пастки жаги унча ривожланмаган. Сочлари жингалак, қизғиши-қора рангда, лаби йўғон бўлган. Бу тип аждодлари асосан Африкада тарқалган. Уларнинг айрим вакиллари юқори палеолитнинг сўнгги босқичида Оврўпанинг баъзи бир пунктларида учрайди. Олимлар бу ҳолатга баҳо бериб, Африка аҳолисининг айримлари Италия орқали Оврўпага, ҳатто Украинага кириб келганлигини қайд қиласи.

- Олимлар улар соchlарини жингалак, терилаrinи қизгиш-қора, лаблари ва юкори жағ тишларини бўртиб чиқишини Африканинг иссиғи билан боғлайдилар.
- Мўғул ирқи асосан шимолий, марказий ва шарқий Осиё учун характерлидир. Бу ирқ вакиллари Красноярскдаги Афантова ғорида, Шимолий ва Жанубий Хитойда топилган. Мўғул ирқининг шаклланишида Осиёнинг бетўхтов эсиб турувчи изғирин, қуруқ, совуқ шамоли, Марказий Осиё даштлари ва Якутия районларидаги узоқ муддатли оппоқ қорлар, умуман, бу минтақанинг табиий-географик шароити муҳим рол ўйнайди. Мұғул ирқи вакиллари паст бўйли, бош суюги юмалоқ бўлган. Улар юзларининг кенг ва қисқа, кўзларининг қисиқ бўлишида кучли изғирин шамоли ва узоқ муддатли оппоқ қор қопламасига тушган қуёш нурларининг акси сабаб бўлган. Ибтидоий жамоа хўжалигининг ривожланишида меҳнат қуролларининг ишлаб чиқариш ва улардан хўжалик юритишда фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Меҳнат қуроллари ясашда аввалгидек чақмоқтош, абсидиан ва базальт каби тошлар асосий хом ашё бўлиб қолаверади. Бу соҳадаги асосий ўзгариш тошдан меҳнат қуроллар ясаш техникасида содир бўлади. Масалан, мустъе давридаги дисксимон тош ядро (нуклеус, асос) ўрнида, узунчоқ шаклдаги ядро пайдо бўлди. Янги шаклнинг пайдо бўлиши янги типдаги меҳнат қуроллари ва уларни ишлаш техникасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Энди тошдан учирма усули билан эмас, балки йўниш техникаси ёрдамида кескир қиррали узунчоқ тош парчалари (призма шаклидаги) олинниб, улардан пичоқ ва қирғич сифатида (кесувчи ва шилувчи) меҳнат қуроллари ясаладиган бўлди. Тош қуролларининг тури ва вазифа доираси кенгайди, чақмоқтошдан ҳар хил кесувчи, арраловчи, шилувчи, тешувчи меҳнат қуроллари ясаладиган бўлди.
- Юқори палеолитнинг сўнгги босқичида тош қуроллари орасида чақмоқтошдан ясалган найза учлари, суждан ясалган кўп тишли гарпунлар пайдо бўлганлиги далолат беради. Тош қуроллар ёрдамида ҳайвонларнинг шоҳ ва сужкларидан меҳнат қуроллари ясаш жорий этилди. Суж билан ишлаш жараёнида биринчи бор тасвирий санъат намуналарини ясаш кашф этилди. Суждан турли тақинчоқлар ясаш кашф этилди, суж устига турли расмлар солиш ва суждан жамоанинг бошлиғи, энг нуфузли аъзоси бўлган оналарни илоҳийлаштиришга қаратилган ҳайкалчаларни ясаш одат тусига кирди.

- Қадимги рассом ва ҳайкалтарошлар биринчи навбатда ҳомиладор аёллар расмини чизди ва ҳайкалчасини ясади. Йирик ҳайвонлар расмини чизиб, ов манзараларини тасвирилладилар. Шундай қилиб, юқори палеолит даврида ибтидоий тасвирий ва амалий санъат пайдо бўлди.
- Бу давр хўжалигига овчилик, биринчи навбатда йирик ҳайвонларни ов қилиш алоҳида аҳамият касб этган. Мехнат қуроллари орасида ўткир учли найзанинг кашф этилиши овдан қеладиган кундалик тирикчилик даромадининг кескин даражада кўпайишига олиб келди. Ибтидоий овчиликда аввалгидек йирик ҳайвонларни тик жарликларга ағдариш ёки маҳсус чукӯрликларга ҳайдаш усули кенг қўлланилган. Ҳайвонларни чўқмоқ, найза, санчқи отиш йўли билан ов қилинган. Масалан, Иркутск яқинида юқори палеолит даврига оид Малта қароргоҳидан 400дан ортиқ шимол буғуларининг сүяклари топилган. Донецк ҳавзасидаги бошқа бир ёдгорликдан 1000та зубр сүяклари топилган. Киев ҳудудидаги Кириллов қароргоҳидан кўплаб мамонт сүяклари топилган.
- Балиқ ови хўжаликда асосий рол ўйнамаса, бу соҳанинг кашф этилиши ибтидоий хўжалик учун катта аҳамият касб этар эди.
- Юқори палеолит даврининг яна бир хусусияти шуки, ибтидоий одамлар ўзларига яшаш учун доимий кулбалар қуришни кашф этдилар. Уларни ясашда ҳайвон сүякларидан ҳам фойдаланишган. Оврўпа ва Сибирда юқори палеолит даврига оид ёдгорликлардан 200га яқин кулба топилган. Улар одатда айланга шаклида бўлиб, уларнинг ўртасида ўчоқ жойлашган.

ЎРТА ОСИЁДА ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

- Режа:
- Палеолит даври умумий тавсифи. Даврлаштириш ва хронология. Ўрганилиш тарихи.
- Ўрта Осиёнинг палеолит даври ёдгорликлари.
- Тош қуролларига ишлов бериш техникаси ва хусусиятлари Палеоантропологик топилмалар.
- Ўрта Осиёнинг палеолит даври хўжалиги.

Инсоният фаолиятининг ilk даври палеолит деб номланиб, юонон тилида «палайос» – қадимги, «литос» – тош демакдир.

Қадимги тош даврини ашёларнинг шакли, ишланиш вазифасига қараб уч даврга ажратиш мумкин:

- 1) Илк палеолит.
- 2) Ўрта палеолит.
- 3) Сўнгги палеолит.
- Илк палеолит – қадимги тош даври ва инсоният фаолиятининг ilk босқичи бўлиб, 3,5-2 млн. йилдан – 800 минг йилларни қамраб олган. Бу тарихий даврга оид манзиллар:

- Селенгур ғор макони – Фарғона шаҳридан таҳминан жануби-ғарбда Хайдархоннинг ғарбий чеккасида жойлашган. Горнинг ички томон узунлиги – 120 м, энининг кенглиги – 34 м, баландлиги – 25 м. 1955, 1960 ва 1964 йилларда А.П.Окладников манзилнинг қайси даврга оид эканлигини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишларини олиб борган. 1980–1988 йилларда У.Исломов Селенгурда тадқиқот ишларини бошлаб юборди, натижада қалинлиги 20–40 см бўлган 5та маданий қатлам ўрганилди. Селенгур қатламидан кўл чопқиси, оғир ва тўмтоқ тош болта, теша, чопперлар топилган. Ыккинчи маданий қатламдан одам бош суяги, энгак қисмининг бир бўлаги ҳамда 4 та тиши топилган. Учинчи маданий қатламдан эса якка ҳолда 10 та тиш ва одам елка суягининг бир бўлаги топилган. Селенгурдан топилган сүяклардан бири 10 яшар болага тегишли бўлган. Манзил топилмаси палеантроп ва архантроплар ўргасидаги оралиқ босқичи бўлиб, ашел даврига мансуб бўлган. Селенгур манзили маданий қатламидан 32 турга оид сут эмизувчи ҳайвонларга тааллуқли 5 минг суяқ қолдиқлари топилган. Ғор айиги, бўри, ғор арслони, каркидон, буғулар, отлар, эшак, тўнғиз сүяклари учрайди. Манзил бундан 1 мл 200 минг йил билан белгиланган.
- Кўлбулоқ – Тошкент вилояти Ангрен шаҳридан 12 км ғарбда жойлашган Кўлбулок номли булоқ атрофида жойлашган. 1962 йилдан М.Р.Қосимов манзилда археологик тадқиқот ишларини олиб борган. Манзилда топилган маданий қатламлар қадимги тош даврининг барча босқичларини қамраб олганлиги маълум бўлди. Кўлбулокда 41 та маданий қатлам ўрганилиб, қуйи қатламидан нуклеуслар, парракчалар, кўл чопқилари, тош қирғичлар топилган. Манзилнинг қуйи қатлами ашел даврининг сўнгти босқичига оиддир.

■ Ўрта палеолит даври (Мустье) манзиллари

- Зарафшон воҳасида илк тош даври манзиллари топиб ўрганилган эмас, лекин мустье даврига оид Омонқўтон, Такалисой, Гўрдара, Самарқанд манзиллари ўрганилган.
- Омонқўтон ғор манзили Самарқанддан 45 км жанубда Булбулзорсойнинг қуруқ ўзани ён бағрида Омонқўтон қишлоғида жойлашган. 1947–1957 йилларда Д.Лев раҳбарлигидаги Самарқанд Давлат Университети археология гуруҳи манзилда текшириш ишларини олиб борди. Манзил кенглиги 1,5 м, баландлиги 0,9 м бўлиб, маданий қатlam чуқурлиги 25 м. Маданий қатламдан қирғич, куракчалар, ўтқир учли пайкон, пластинкалар, нуклеус ва қўл чопқилари топилган. Шу билан бирга, арҳар, айик, тоғ эчкиси суяклари олинган. Маданий қатламда ўчок-гулхан қолдиқлари учрайди. Манзилда неандертал одамлари хўжалик юритганлар.
- Гўрдара – Самарқанддан жануби–шарқда, Ургут туманининг Гўрдара қишлоғи ҳудудида жойлашган. Манзил маданий қатламидан учириндилар, тош қирғичлар, нуклеуслар, қирғичсимон меҳнат қуроллари топилган.
- Кўтиrbулоқ – Самарқанддан 110 км жануби-ғарбда, Зирабулоқ тогининг шимолий ёнбағридаги Кўтиrbулоқ номини олган булоқ атрофида очиқ манзил сифатида жойлашган. Манзилда 5 та маданий қатlam ўрганилиб, ундан пайконлар, қирғичлар, тешгичлар, парма каби меҳнат қуроллари олинган. Шу билан бирга буғу, ит, қулон суяклари ҳам топилган.
- Зирабулоқ – Кўтиrbулоқдан 1 км шарқда, Зирабулоқ булоғи атрофида жойлашган. Маданий қатламда 350 та меҳнат қуролларининг аксариятини сихча, қирғич, қирғичча, тешгич, ўроқ, ранда каби қуроллар ташкил этади. Мустье даврига оид ашёлар Самарқанддаги Регистон, Афросиёб харобаси майдонларидан, Дарғом каналининг чап соҳилидаги ҳудуддан топилган.
- Такалисой – Самарқанддан 50 км жануби-шарқдаги Тахтакорачада жойлашган. 25-40 см чуқурликдаги маданий қатламдан парракчалар, тош пичок, қирғич қолдиқлари олинган.

- **Тошкент вилояти ҳудудида мусте даври ёдгорликлари:**
- Кўлбулоқ манзили маданий қатламидан мусте даврига оид меҳнат қуроллари топилган.
- Обираҳмат – Тошкент шаҳридан 100 км шимоли-шарқда Чотқол тизмасининг Палтов сойи юқори соҳилида жойлашган. Макон ёйсимон шаклда, эни – 20 м, 21 та маданий қатлам ўрганилиб, ундан нуклеуслар, парракчалар, сихчалар, қирғичлар, пичоқлар олинган. Умуман 30 мингдан ортиқ тош қуроллари олинган.
- Хўжакент – Тошкент шаҳридан 80 км шимоли-шарқда, Хўжакент қишлоғи яқинида жойлашган бўлиб, унинг баландлиги 2,5 м, кенглиги – 6 м, чуқурлиги – 4 м. Маданий қатламдан қўл чопқилари, парракчалар, тешгич, бигизлар топилган. Мусте даври манзиллари Бурчмулла яқинида Юсуфхона, Обираҳмат яқинида Чотқол 1-2, Кўкайлов, Оқтош, Хўжакент-2, Чорвоқ сув омбори, Оҳангарон дарёси ҳавзаларидан топиб ўрганилган. Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимидағи Тұябўғиз сув омбори ҳавзасида, Бургулуксой оралиғида ўрта тош даврига оид меҳнат қуроллари топилган. Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан ташқари, текисликларида ҳам мусте даврига оид манзиллар ўрганилди.
- Зогариқ – Тошкентдан 15 км шимолда Черняевка қишлоғи ҳудудида жойлашган. Маданий қатламдан нуклеуслар, қирғичлар, тешгичлар, найза учи пайконлари топилган.
- Қорақамиш – Қорақамиш жарлиги соҳилида жойлашган бўлиб, унинг қатламидан тош пичоқлар, парракчалар нуклеуслар каби меҳнат қуроллари кам микдорда топилган.
- Бўзсув–1 – Бўзсув канали соҳили яқинида топилиб, унинг қатламидан 250 га яқин тошдан қилинган меҳнат қуроллари топилган. Бўзсув–2, 3, 4, 5, 6, Чирчик дарёсининг юқори қисмида Кўприқбоши, Юсуфхона, Оқтош, Тўсиқ манзиллари ўрганилган.
- Сурхондарё вилояти ҳудудида ҳам мусте даври манзиллари ўрганилган. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, мусте даври манзиллари дастлаб Сурхондарё вилояти ҳудудида ўрганилган. Шундай манзиллардан бири Тешиктош ҳисобланади.

- Тешиктош – гор макони Бойсун тогидаги Завгалашгансай дарасида жойлашган бўлиб, унинг кириш қисми 20 м, чуқурлиги-21 м, баландлиги – 9 м. Манзил 5 та маданий қатламдан иборат бўлиб, ундан 3000 га яқин меҳнат қуроллари топилган. Маданий қатламнинг 25 см чуқурлигига 8-9 ёшли неандертал бола бош суюги топилган бўлиб, В.П.Алексеев хulosасига кўра, у ўғил бола эмас, балки қиз бола бўлган. Тешиктошликлар машғулоти овчилик, термачилик бўлиб, неандерталлар фаолият олиб борган.
- Амир Темур – гор макони Бойсун тогида жойлашган бўлиб 3 маданий қатламдан иборат. Куйи маданий қатлами мустеъ даврига оид. Тўпаланг дарёси бўйларида мустеъ даври кишиларининг меҳнат қуроллари топилган.
- Фарғона водийсида мустеъ даврига оид Сариқўрғон, Этикчи, Қайроқкум, Сўх, Обишир, Қувасой, Чунгара Каримкўл, Селенгур манзиллари ва Қопчигоҳ устахонаси ўрганилган.
- Қизилқумдаги Кўкча тогида Қизилнурда устахонаси, Қорақалпоғистон Республикасининг Устюрт ҳудудида Есен-1, Шахпахта, Камости манзиллари, Қашқадарё ҳудудида мустеъ даврига оид Ангилон манзили ўрганилди.
- Хоразм вилоятининг Тупроққалъа массивида мустеъ даврига оид манзиллар мавжудлиги аниқланган.
- Шундай қилиб, мустеъ даврига келиб Ўзбекистон ҳудудида одамларнинг жойлашиш географияси кенгайган.
- Марказий Осиёning бошқа мустакил давлатлар ҳудудларида мустеъ даври манзиллари кенг миёсда ўрганилган.
- **Туркманистон Республикаси ҳудудида мустеъ даври манзиллари:**
- А.П.Окладников томонидан Янгажа, Қора Тангир, Бек арслонтоғ, Томчисув, Қашқирбулоқ, Жанурпа ва Узбой бўйларидан мустеъ даври манзиллари ўрганилган.
- Жанубий Қозогистон ҳудудидаги ашел ва мустеъ даври манзиллари, Такали 1, 2 ,3, Бўриқазигон, Танир Казигон, Кичик Қоратоғ Шабакти-1, Учбулоқ, Шабакти, Бургутли, Узунбулоқ, Чукан Валихонов Такали 1, 2, 3 манзиллари, Қоратоғ яқинидаги Такали чашмаси атрофидан топилиб, ашел-мустеъ даврига оидлиги аниқланган.

- Шабакти 1 – Жамбул вилоятидаги Сарисув тумани ҳудудида жойлашган.
- Қирғизистон ҳудудида илк ва мұстөе даврига оид манзиллар ҳам ўрганилған.
- Тожикистан давлати ҳудудида илк ва ўрта тош даври манзиллари кенгрөқ ўрганилған.
- Қоратоғ-1 – Душанбе шаҳридан 50 км жануби-шарқда бўлиб, унинг маданий қатламларидан қирғич, тешгич, чоппер, учириндиilar, тош парчалари олингандан.
- Ҳаволанг – Ҳаволанг қишлоғи ҳудудида жойлашиб, илк ва мұстөе даврига оид меҳнат қуроллари топилған.
- Лохутий-1 – жой манзилининг маданий қатламидан қирғич, қирғиччалар, чопқилар топилған.
- Оғзикичик – Дангара қишлоғидаги Шаршар қишлоғи ҳудудида жойлашган. Маданий қатламдан қирғиччалар, сихчалар, парракчалар, гулхан излари топилған.
- Қора-Бура манзили Шиниул қишлоғи ҳудудида жойлашган, маданий қатламдан 8000дан ортиқ меҳнат қуроллари топилған.
- Қайроқкум – Сирдарёning чап соҳилига яқин ҳудуд, бу ердан 31 дан зиёд очик шаклдаги манзилгоҳлар топиб ўрганилған.
- Шундай қилиб, Марказий Осиёning тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ва пасттекисликлари илк тош ва мустбөе даври одамлари томонидан ўзлаштирилған. Ибтидоий одамларнинг маданий излари кўпчилик ҳолларда ғорлардан топиб ўрганилған, демак ибтидоий одамлар ғорларни асосий макон қилиб олганлар.

Мусте (Үрта тош даври манзиллари)
Тешиктош, Обираҳмат, Құтирбулоқ, Учтут, Зирабулоқ, Қорасу, Сари Арна, Бетпак-8,
Бетпак-12, Музбел Такали, Туколи 1-5.
Қайроқкум, Хожа-Гор, Қоратумшук, Шохта, Қора-Бум, Оқ-Жар, Оғзикичик,
Қашқирбулоқ, Жанурпа, Қоратангир

- **СҮНГГИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАНЗИЛЛАРИ**
- Сүнгги тош даври манзиллари Үрта Осиё худудида кам үрганилган, Мусте даврига оид бир қанча манзилларнинг маданий қатламларидан сүнгги тош даврига оид ашёлар топилган бўлиб, натижада бу манзилларда одамлар узоқ вақт фаолият олиб борганлиги исботланган.
- Кўлбулоқнинг 1, 2, 3 қатламлари сўнгги тош даврига оид бўлиб, гулхан излари, тишли тош қуроллар, қирғичлар, сихчалар, пластинкалар, тош пичоклар топилган. Бундай меҳнат қуроллари Бўзсув-1, Тябўғиз манзилгоҳлари маданий қатламларида ҳам мавжуд бўлган.
- Бўзсув-1, 2, 4 – Тошкентнинг ғарбида Қорақамиш жари соҳилидан топиб үрганилган маконлар.
- Тябўғиз 1, 2, 3, 4, 5, 6 очиқ услубга эга бўлган макон-манзиллар. Тябўғиз сув омбори атрофида үрганилган, Самарқанд вилояти худудида Самарқанд, Такалисой, Хўжамазгил маконлари топилиб, тош пичок, қирғич, парракчалар, чопқилар, кесгичлар, ўроқ-рандалар каби меҳнат қуроллари олинган.
- Жанубий Қозогистон худудида Аччисой, Сари-Арка, Бетпак-7, Есен-2, Карабас, Ангренсар-2, Семиз-Бугу, Қорабош-3, Тулкили жой маконлари үрганилган.
- Туркманистон худудида Янгажа-II жой-макон ва устахона бўлган.

ЎРТА ОСИЁ МЕЗОЛИТ ДАВРИДА. МЕЗОЛИТ ДАВРИ ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИ

- Режа:
- 1. Мезолит даври умумий тавсифи. Даврлаштириш ва хронология.
- 2. Мезолит даврининг ўрганилиш тарихи.
- 3. Мезолит маданияти ва уларнинг ҳудудий вариантларга бўлиниши.
- 4. Хўжалик ва моддий маданият.
- 5. Мезолит даври қоятош суратлари.

- Марказий Осиё ҳудуди (ҳозирги Ўзбекистон, Туркманистан, Тоҷикистон, Қирғизистон мустақил давлатлари ва Қозоғистон давлатининг жанубий қисми ҳудудлари) қадимдан бошлаб инсониятнинг илк маданий марказларидан бири бўлган. Рим тарихчиси Трог Ромрэй “Ўрта Осиёликлар қадимийлиқда Мисрликлар билан баҳслаша оладилар” деб қайд этган эди.
- Марказий Осиё ҳудудида қадимги тош, бронза даврларига оид кўплаб ибтидоий манзиллар, қабрлар, қадимги даврга оид шаҳарлар қолдиқлари ўрганилиб, унинг натижалари илмий жамоатчиликка эълон қилинган эди.
- Марказий Осиё ҳудудида шўролар ҳокимияти даврида археологик тадқиқотлар олиб борилиб, унинг натижалари М.Ж.Жўрақулов “Ўрта Осиёнинг ибтидоий археологияси (1984 й.), Ж.Кабиров, А.С.Сагдуллаевларнинг “Ўрта Осиё археологияси (1990) ўкув қўлланмаларида акс эттирилган.
- Мезолит – ўрта тош даври бўлиб, юонча мезос – ўрта, литос – тош демакдир.
- Сўнгги палеолит даври мезолитни бошланиши билан улуғ музликлар (Миндилов, Рис, Вюри) эрий бошлайди. Иқлим барқарорлашиб, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси аста-секин ҳозирги замон ҳайвонлари ва ўсимликлари қиёфасига кира бошлайди. Демак, табиатдаги, ҳайвонот дунёсидаги бу буюк ўзгаришлар билан янги давр, яъни мезолит даври бошланади. Олимларнинг фикрича, бу давр мил.авв. 12–7 минг йилликларда бошланиб, мил.авв. 6–5 минг йилликларгача давом этган. Музлик шимолда Болтиқ денгизининг ҳозирги чегарасига яқин бўлган чегарани ташкил этган ва ката-кичик бўлган ботқоқликлар пайдо бўлган. Жанубий туманларда кенг япроқли дараҳт ўрмонлари вужудга келган. Волга, Дон, Днепр дарёларининг қуи оқимиidan жануброқда Қозоғистон, Ўрта Осиё ва жанубий Сибир районларида ҳайвонлар учун яйлов-чўл зонаси вужудга келган, музликни эриши билан шимолдан жанубга келган шоҳдор буғулар энди шимолга кўчиб ўта бошлади. Узун жунли мамонтлар ҳам тугаб, бу йирик ҳайвонлар, яъни макролитлар ўрнига кичик, тез чопар микролитлар вужудга келди. Бу ҳайвонларни вужудга келиши ўқ-ёйни каşф этилиши билан боғлиқ эди. Яъни бу билан инсоният йирик ҳайвонлардан қўрқиш хавфини тугатди ва овчиликнинг янги усувларини каşф этди ва овчилик ибтидоий кишиларнинг ҳаёт манбаига айланди. Ҳайвонларни қўлга ўргатиш бошланди. Биринчи қўлга ўргатилган ҳайвон эса ит эди. Бу давр одамлари ўсимлик илдизи билан эмас, балки мазали меваларни еб тирикчилик қиласиган бўлганлар. Суяқдан қуроллар ясалган (қармок). Дараҳт новдаларидан саватлар тўқиганлар.

- Мезолит даврида ўтроқ ҳаёт тарзи бошланган ва музлиқдан бўшаган янги ерларни ўзлаштиришга киришганлар, инсониятнинг меҳнат қуроллари ҳам такомиллашиб, ҳар хил геометрик шаклдаги кичик тош – микролит қуроллари пайдо бўлди. Дастрслаб бу қуролларни Франциянинг жанубида яшаган арунта қабилалари ишлатганлар, бу 1887 йилги археологик текширишлар натижасида аниқланган. Мезолит даврида Ўрта Осиёда ҳам иқлим қулай бўлган, 1970-80 йилларда Исломов Сух яқинидаги Обишир манзилгоҳини ўрганган. Форнинг қуёшга қараган томонида унгурлар бўлиб, Обишир ва Фобишир-5дан мезолит ёдгорликлари топилган. Фарғона водийсидан 100дан ортиқ манзиллар топилган. Яна Тошкентнинг Сариқамиш туманидаги Бўзсув сойининг 2 ирмоғи қўшилиши жойидаги Қўшилиш манзилгоҳи аниқланди. Сурхондарё вилоятидан Айритом, Каттақўргон, Заранжукчут Дуканхона, Эски Термиз, Подахона, Оқтош ёдгорликлари аниқланди. 1930 йилда Г.Ф. Парфинов Мачай ғорини текширди. 1970-80 йилларда Исломов шу ерда яна қазилма ишларини олиб бориб, маданий қатламни аниқлади. Бу ердан топилган 80% қуроллар овчилик ва ҳайвон терисини ишлаш қуроллари бўлган. Бу қуроллар мил.авв 7–6 минг йилликларга бориб тақалади. Лекин бу асрда ўрта ва яқин шарқда неолит даври гуллаб яшаган даври бўлган.
- Ўзбекистондаги мезолит даври ёдгорликлари қўшилиш маданияти. 1) Мил. авв 11–10 йилликлар 2) Обишир маданияти. 3) Мачай маданияти 7–6 минг йилликлар. Бу даврда диний тасаввурлар ҳам вужудга келган (Кайла, Туткаул, Мачайдан) лиги аниқланган. Кайла ғоридан топилган мозорда чалқанчасига ётқизилган, устига охра (қизил) ранг сепилган, оёклари букилган скелетлар топилган бўлиб, аёллар ёнидан тақинчоқлар, тошмунчоқлар топилган. Сурхондарёни Зарабтсой қоя суратлари шулар жумласидандир. Булар қизил ранг билан ишланган, аввалги ҳайвонларни ов қилиш манзараси тасвирланган, овчиларнинг ёнларида ити, устларида ёпинчиқ, кўлларида ўқ-ёй ва палахмон тошлари бўлган.
- Бу даврда ертўлалар, лойдан уйлар қуришган, доимий ўтроқ ҳаёт тарзи барпо бўлган.

- **Ўзбекистон ҳудудида мезолит даври манзиллари**
- Сурхондарё вилоятининг Бойсун тогида Мачай ғор манзили –юқори ва ўрта Мачай қишлоқлари ўртасида жойлашган, унинг кенглиги – 20 м, чуқурлиги – 2 м, баландлиги – 3,5–5 м. Маданий қатламдан тош ва суюк қуроллари топилган.
- Айиртом – Термиз шаҳаридан 18 км шарқда, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган.
- Фаргона водийсининг жанубидаги Катрон тогининг жанубида Обишир II, Обишир V маконлари ўрганилди.
- Обишир II – Хайдаркон шаҳаридан 5 км узоқлиқда жойлашган, унинг кенглиги – 25 м, баландлиги – 12 м, чуқурлиги – 6 м.
- Обишир–5 – Обишир II яқинида жойлашган, унинг кенглиги – 8 , баландлиги – 10 м, чуқурлиги – 6 м. Бу икки ғор-макон қатламларидан парракчалар, пичоқ қадамлари, қирғичлар, тешгичлар, микролитлар, бигизлар, ўроқ-рандалар топилган.
- Марказий Фаргона ҳудудида мезолит даври манзиллари кўплаб ўрганилган. Шулардан: Шўркўл, Аччиқўл, Янгиқадам, Замбар, Тойпоқкўл, Дамкўл, Босқум каби очик шаклдаги манзиллар бўлган. Зарафшон воҳасида мезолит даври манзиллари ўрганилган.
- Сазогон II – манзил маданий қатламидан 2300 та тош қуроллар олинган. Тош парчалари – 74 %, парракчалар 20,1 %.
- Чорбакти – Бухоро вилояти Газли шаҳари яқинида жойлашган, унинг маданий қатламидан олинган қуроллар Сазагон-II меҳнат қуролларига ўхшайди.
- Тошкент шаҳрининг гарб томонидаги Қорақамиш жарлиги атрофида Бўзсув II, Қўшилиш мезолит даври жой-маконлари ўрганилган. Маданий қатламлардан қирғичлар, геометрик қуроллар, пластинкалар, тош пичоқ, меҳнат қуроллари олинган. Маданий қатламлардан қўй, эчки, буқа ва сигирнинг суюклари топилган, манзиллар бундан 12 – 13 минг йилликка оид. Шимоли-ғарбий Устюрт ҳудудидаги Жайронкудуқ ва Айдабол қудуклари атрофидан 30 та манзиллар ўрганилган.

- **Ҳисор маданияти** – мил. ав. 6–3 минг йиллікларга оид неолит даври археологик мажмуси. Асосий ёдгорликлари Тожикистоннинг Ёвонсу, Вахш, Кизилсув, Кофар, Ниҳон дарёлари ҳавзаларида қайд этилган. Ҳисор маданияти 1948 йил А.П.Окладников томонидан кашф этилган; асосий ёдгорликлари Тутковул, Сайёд, Қози Берди ва бошқалар. Бу маданият даврий жиҳатдан Ўзбекистондаги Калтаминон ва Туркманистандаги Жойтун археологик маданиятлари билан бир вақтга тўғри келади. Топилмалари тош суюқдан ясалган қуроллар, ҳар хил майший ўчоқлардан иборат. Тош қуроллар ясашда оҳактош, кварцит, серпантин, яшма қаби материаллардан фойдаланилган. Ҳозиргача Ҳисор маданияти ёдгорликларида сопол буюм намуналарини учрамаслиги тадқиқотчилар учун ечишмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки Калтаминон маданияти даврида Ўрта Осиёда сопол идиш тайёрлангани маълум эди. Ҳисор маданияти соҳибларини хўжалик жиҳатдан эндиғина ўтроқлашаётган овчилар, теримчилик билан тирикчилик қилувчилар ташкил этарди деб ҳисоблаш мумкин. Дехқончиликнинг ilk белгилари фақат Ҳисор маданиятининг сўнгги даврида пайдо бўлган.
- **Жойтун маданияти** – Ўрта Осиёнинг неолит даврига оид энг қадимги ўтроқ дехқончилик маданияти марказларидан бири (мил.ав. 6–5 минг йилліклар). Ашхободдан 30 км шимолда жойлашган қадимги ўтроқ дехқонлар қишлоғи харобаси номидан олинган. 1952 йилда Жанубий Туркманистон археология комплекс экспедицияси қазиш ишларини олиб борган. Ўндан ортиқ ёдгорликлар (Чагиллитепа, Пессежиктепа, Чопонтепа, Найзатепа, Жойтун ва б.)ни текширган. Бу уруғдошлик манзилгоҳларининг ҳар бири 0,5–2 га майдонни эгаллаган. Сомонли гуваладан қурилган бир хонали уйлар ($25\text{--}45\text{ m}^2$) саҳни оч ганчли лой билан сувалган, айримлари қизил ва қора рангта бўялган. Ҳар бир хонада ўчоқ, ғалла ўраси, супа бўлган. Айрим хоналар ўртасида катта оташкада бўлиб, умумий саждагоҳ вазифасини ўтаган. Манзилгоҳларда омбор, сопол идишлар пишириладиган майдончалар бўлган. Уч маданий қатламдан иборат Жойтун манзилгоҳи (Жойтун маданияти шу номдан олинган) тўла ўрганилган. Унинг майдони 0,5 га, юқори қатлами 35-40 хонадан, ўрта қатлами 29 хонадан иборат. Манзилгоҳлардан болалар суяги топилган, катталар ташқарига кўмилган. Аҳоли асосан дехқончилик, чорвачилик, овчилик билан шуғулланган.

- Сопол идишлар сомонли лойдан ишланиб, баъзиларининг сирти қизил ангоб билан бўялган. Тош ва лой (сополдан) ишланган аёл ва ҳайвон ҳайкалчалари, тош, суяқ ва чиганоқлардан ясалган тумор, мунчоқ ва бошқа турли тақинчоқлар кўп топилган. Жойтун маданияти Каспий бўйидаги мезолит даври маданияти асосида вужудга келган. У ибтидоий дехқончилик маданиятининг жаҳондаги ноёб обидаларидан бири ҳисобланади.
- **Сувёрган маданияти** – Хоразм воҳасининг чўл зонасига оид жез даври археологик маданияти (мил.ав. 2 минг йилликнинг 1-ярми, 1 минг йиллик бошлари). Амударёning қадимги дельтаси ўнг томонидаги чўл ичига ёриб киргани учун Сувёрган номи билан аталган. Хоразм археология-этнография экспедицияси (1945–1946 йиллар С.П.Толстов, Я.Гуломов, М.А.Итина ва томонидан тадқиқ этилган. Сувёрган маданияти қабилалари, С.П.Толстовнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг жануби-гарбий вилоятларидан Хоразмга келган янги этник гурух бўлиб, уларнинг моддий маданияти жанубнинг ўтрок дехқончилик маданиятига ўхшаш бўлган. Сувёрган маданияти ўз тараққиётида 3 босқични (Қамишли, Бозорқалъа, Қовунчи) босиб ўтган. Сувёрган маданиятига оид сопол идишлар яхши пиширилиб, сирти қизилга бўялган; сиртига тўқ қизил рангда гул солинган сопол парчалари, тош ёргучоқлар ва дехқончилик қуроллари ҳам учрайди. Аммо сополларнинг сирти жанубнинг қадимги дехқончилик қабилаларининг сопол буюмларидан фарқ қилиб, асосан тўрсимон чизма нақш ва схематик бошоқ тасвири билан безатилган. Бу топилмалар мил.авв. 2 минг йилликнинг ўрталарида Ўрта Осиё қабилаларининг йирик кўчишларидан далолат беради. Жануб ва жанубий-шарқий йўналишлардаги 2 йирик кўчиш мил.авв. 2 минг йилликнинг охири 1 минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Бу босқичда Сувёрган маданияти жамоалари бўлган қабилалар ҳам фаол иштирок этган. Археологик топилмалар ушбу шимолий чорвадор қабилаларнинг Ўзбой, Атрек, Тажан, Мурғоб, Амударё ва Сирдарё ирмоқлари бўйлаб ҳаракат қиласаларини кўрсатади. Мил.авв. 1 минг йилликнинг бошларига келиб, Сувёрган маданияти ўрнига Амиробод маданияти пайдо бўлган.

- 1936 йил археологлар С.Н.Бибиков ва Е.В.Жиров томонидан мезолит даврига оид Кримнинг жанубий томонидан (Балакалов туман) Мурзаккоба ғори топилган. Бу ғордан 40-50 ёшлардаги эрқак ва ёш аёлнинг сүяклари топилган (кўмилган ҳолда). Скелетлар ёнма-ён жойлашиб, эрқакнинг ўнг қўли суюги аёл скелети сүякларининг тагида жойлашган. Иккала кўмилувчиларнинг танаси тошлар билан қопланган. Аёлнинг ҳаётлик пайтида иккала қўлининг кичкина (охирги) бармоғи ҳам кесилган. Хулосаларга кўра, бу одат ё магия билан боғлиқ ёки шу даврнинг маданиятига хослигидир. Бундай бармоқ кесилиши ёки тешимилиши бошқа давлатларда ҳам қўлланилиши аниқ бўлган. Бундай одат Африкаликлар, Австралияликлар ва Америка индейцлари аёлларида ҳам қўлланилган. Тош давридаги Европаликлар ҳам бу урфни қўллашган, бунга мисол қилиб Франциянинг Пирения деворий қолдиқларида қўл изининг энг сўнгги бармоғи йўқлигини келтириши мумкин. Мурзаккоба ғоридан яна кремендан ясалган қуроллар (кесувчи, скрепкалар, пластинка ва микролитлар ҳамда миниатюрага оид ишлар, геометрик чизиқлар), суюқдан ясалган қуроллар, ҳайвонларнинг тиш ва шохлари, сүяклари топилган (ёввойи чўчқа ва балиқ). Юқори палеолит даври билан мезолит даврини солиштириб кўрилганда, ҳаво иқлими анча илиқ ва нам бўлган. *Helix* уруғига оид молюска ва шиллиққуртлар мезолит даври одамларининг овқатланиши учун асосий емиш ҳисобланган. Мурзаккоба ғоридаги эрқак сүяклари скелети бўйича Е.В.Жиров изланиш олиб борган. Та什қи кўринишини эса М.М.Герасимов ўрганганд. Эрқак шахсининг ташқи кўринишини қайта ишлашда М.М.Герасимов фикрича, бўйининг узунлиги 180 смлиги билан фарқ қиласарди. Унинг бош қафаси катта ҳажмда. Мускул толалари яхши ривожланган. Урта ҳажмдаги пешона қалин қош билан чегараланганд. Ваҳоланки, бу юз характеристини кўрсатмайди, лекин кучлилигини тасдиқлайди. Юзининг узунлигига қарамасдан бурнининг узунлиги сезиларли даражада. Тор, баланд бурун ўзининг чиройлилиги билан ажralиб туради. Ута чуқур жойлашган кўз, кўз бурчакларида ўзини характеристини кўрсатиб турарди. Яноқ сүяклари бўртган, қўпол тузилишда, пастки жағи ўта катта. Бош тузилиши тўғри ва мағрур.

- Шан-коба даврида об-хаво ҳали салқин эди. Йўқ бўлиб кетган ҳайвонлар: ертўла шери, гигант кийик, сайгалар яшашган. Шан-коба ва Фатма-коба ғорларининг кираверишида эрта мезолит даврига оид тошлар топилган. Тоғли Қrimning Мурзак-коба горидан мезолит даврига оид мозорлар топилган. Фатма-коба горидан эркак қишининг ёнбошлаб кўмилган мозори, Мурзак-коба горидан эса жуфтлик, яъни аёл ва эркакнинг бир-бирига яқин ҳолда кўмилганлиги топилган.
- Ибтидой тасвирий санъат ёдгорликлари ҳам Ўзбекистоннинг бир нечта туманларидан топиб текширилди. Улар асосан ғорларга ва қоятошларга қизил бўёқ билан ёки тошларга ўйиб солинган ҳамда ов манзарапарини тасвирловчи расмлар бўлиб, энг қадимгилари мезолит, неолит ва бронза даврларига мансубдир. Бундай қадимги тасвирий санъат обидалари Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Заравутсой дарасида, Сирдарё вилояти Жиззах туманидаги Такатош мавзесида, Бухоро вилояти Навоий туманидаги Сармиш ва Қора унгурсой ҳамда Оҳангарон водийсидаги Каразов дарасида, Тошкент вилояти Хўжакент қишлоғи яқинида ва бошқа кўпгина жойларда топиб текширилди. Бу ёдгорликлар орасида Заравут камар ва Такатош суратлари айниқса диққатга сазовордир. Заравут камар суратлари қизил бўёқ билан ишланган. Үнда асосан ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Манзарапардан бирида овчилар гурухи ёввойи буқаларни ўраб олаётгани ёки ёпинчиқ ўқ-ёй ҳамда сопқонлар отаётгани тасвирланган. Такатошдаги суратлар қояга ўйилган. Манзарапардан бирида ўндан ортиқ օвчи ёввойи буқа ва тоғ эчкилари подасини ўраб олиб, камалақдан ўқ узаётгани тасвирланган. Үргада каттароқ қилиб бир аёлнинг расми солинган. Суратда итлар ҳам бор.

ЎРТА ОСИЁДА НЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

- Режа:
- Неолит даври умумий тавсифи. Ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклининг шаклланиши ва тараққиёти.
- Жойтун маданияти.
- Калтамиор доирасидаги маданиятлар.
- Ҳисор маданий-тариҳий бирлиги.
- Ўрта Осиёнинг неолит даври қабилалари моддий маданияти ва хўжалиги.

- Неолит даврида ишлаб чиқаришга асосланган кўп тармоқли хўжалик соҳалари мавжуд бўлган. Тарихий тараққиёт ва ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши юз берди, натижада янги ҳудудлар ўзлаштирилди. Дехқончилик, чорвачилик хўжаликлари кириб келди, овчилик ва термачилик хўжалиги ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Инсонлар янги ҳудудларни ўзлаштириб, шу ерларда жойлаша бошладилар. Натижада турли географик шарт-шароитга тушиб қолиб, шу муҳитга хос хўжалик йўналишини олиб боргандар.
- Марказий Осиёнинг барча ҳудудида табиий шароит бир хил эмас эди. Бу эса хўжалик маданий ривожланишининг нотекис бўлишига олиб келган. Неолит даврида жанубий ҳудудлар иссиқ минтақа бўлиб, дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликнинг ривожланишига имконият яратган.
- Марказий ва шимолий ҳудудларда овчилик, термачилик, ҳунармандчилик хўжалик йўналишлари мавжуд бўлган. Неолит даврида тош болғалар хўжаликда кенг ишлатилган. Бу тарихий даврда инсоният кундалик турмуш тарзига лой меъморчилиги билимини олиб кирди.
- Кулолчилик билими ўзлаштирилиши натижасида лойдан хилма-хил катта ва кичик ҳажмдаги идишлар ясад, уларни оловда пиширганлар. Шу билан бирга тўқимачилик, кемасозлик, пахсадан, ёғочдан уй-жойлар қурилиши билимлари ҳам ихтиро қилинди.
- **Ўзбекистон ҳудудида неолит даври манзиллари**
- Ўзбекистон ҳудудида неолит даври маданиятини Хоразм воҳасида ўрганилишдан бошланди. С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари томонидан Ақчадарё ҳавзасида неолит даври манзиллари кенг миқёсда ўрганилди.
- Тўрткўл туманинаги Калтаминонор канали яқинида Ёнбош-4 манзили атрофлича ўрганилди. Унинг майдони 24x17 м, ярим ертўла чайла қолдиги топилган. Чайла қурилишида ёғоч устун, новда, қамиш ва лой ишлатилган. Манзил ички қисмида 0,20 см айлана шаклидаги чуқурчалар бўлиб, улар устунлар учун мўлжалланган. Чайла ўртасида тўғри бурчакка эга бўлган оташгоҳ жойлашган. Ҳар устун атрофида ўчоқ излари жойлашган, чайлада 120–125 киши яшаган. Маданий қатламда найза ўқлари, қирғич, пластинка каби меҳнат қуроллари, балиқ, ёввойи чўчқа, қирғовул, сув күшлари суюклари, ўрдак, тоғ ва тошбақа тухумлари пўчоқлари, жийда данаклари топилган.

- Суякларнинг 90% и балиқ суяклари бўлган, айниқса лаққа суяклари кўпчиликни ташкил қилган. Бу қабилалар томонидан яратилган маданият тарихда «Калтамиор маданияти» номини олди. Калтамиорликлар ҳаётида ўзлаштирувчи хўжалик бўлиб, овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар. Калтамиор маданияти Зарафшон воҳасига ҳам тарқалган.
- Қашқадарё ва Зарафшон дарёларининг қуи оқимида Катта ва Кичик Тузкон, Гужайли ва Мохондарёнинг қуриб қолган ўзанларидан 75 та неолит даври манзиллари топиб ўрганилди. Неолит даври манзиллари Катта Тузкон атрофидан 35та, Кичик Тузконда эса 3та манзил аниқланди. Мохондарё, Эчки Қирон, Қоронғи Шўр ва Кумсултондан ҳам топилган.
- Дарвозақир-I – Катта Тузкон қўли яқинида жойлашиб, унинг маданий қатламидан тош болға, қирғич, тешгич, ўроқ-ранда, парма топилган бўлса, иккинчи маданий қатламдан эса гулхан қолдиқлари, оз микдорда тош қуроллар топилган, учинчи қатламдан эса ўчоқ, тураг-жой қолдиғи, тош болта, тўлкинли чизиқлар билан безатилган сопол ашёлари ва ҳайвон суяклари топилган. Чифаноқ ва мармардан ясалган ҳар хил шаклдаги мунчоқлар ҳам топилган. Ҳар хил безакка эга бўлган идишлар ҳам олинган. Мохондарё ўзани атрофидан 35та неолит даври жой-маконлари қолдиғи топиб ўрганилди. Манзил ҳажми катта эмас, яъни 81 м (7x 11,6 м) режаси тўғри тўртбурчакли бўлиб, унинг ҳар жойида чуқурчалар мавжуд, булар устунларга мўлжалланган. Қурилиш ашёси ёғоч устун, қамиш ва лой ҳисобланган.
- Кичик Тузкон манзиллари – Гужайли соҳиллари бўйлаб жойлашиб, Зта жой-макон ўрганилди. Маданий қатламдан қирғич, тешгич, ўроқ, пластинкалар, сопол идишлар парчалари олинган.
- Қоронғишўр жой-макони – Катта Тузкон қўлидан 100 км шимоли- фарbdаги шу номдаги кўл атрофида жойлашган. Маданий қатламдан 750 та тош ашёлари ва идиш синиклари топилган.
- Қизилқир-I – Бухоро воҳасидаги неолит даври манзили. Шу билан бирга шу номдаги устахона ҳам топилди.

- Пайкент маконлари – Қашқадарё этакларидағи Құмсултон ва Пайкент пасттекисликларида топилған. Бу манзиллар маданий қатламларидан тош болға, қирғич, тешгіч, ўроқ қадамалари ва идиш-товоқ синиқлари топилған.
- Чинкелди жой-макони – Қызылқұмда топиб ўрганилған бўлиб, манзил Зарафшон дарёсининг қуриб қолган ўзани Дарёсой соҳилида жойлашған. Маданий қатламдан йўнғич, қирғич, тош болға ва бошқа меҳнат қуроллари топилған.
- Шимолий-ғарбий Устюрт пасттекислигига ҳам неолит даври манзиллари жойлашған. Булар Жайронқудук ва Айдобол номидаги маконлар эди. Бу жой-маконлар маданий қатламларидан парраклар, тешгіч, қирғичлар, ўқ учлари, идишлар парчалари олинған. Неолит даврига оид Шуманай худудида Касанжол қабристони топиб ўрганилди. Қабрда одам сүяклари, унинг атрофидан эса денгиз чиғаноғидан ишланған мунчоқ, охра қолдиқлари, ўтқир учли пайкон, чиғаноқдан ясалған санчқи, сопол идишлар топилған. Устюртнинг шимолий-шарқ томонида 60дан ортиқ неолит даври манзиллари ўрганилған. Хоразм воҳасининг жанубий худудида Туямўйин атрофларида 40га яқин неолит даври манзиллари ўрганилди. Султон Санжар, Карриқазил Қушбулоқ манзилларидир.
- Марказий Фарғонада ҳам неолит даврига оид 80дан ортиқ манзиллар ўрганилди. Чунончи: Замбар 1, 3, Янгиқадам 12, 13, 14, 16, 23, 25, Дарозкўл 1, 2, Сариқсув, Мингбулоқ, Узункўл 1, 5, Тайпоқ 2, 4, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, Янгисув, Гўртепа, Ҷамкўл, Мадёр 1-16, Босқум I-IV ва х.к. Марказий Зарафшон худудида неолит даври манзиллари ҳам топиб ўрганилди.
- Учаҳи-131, Сазагон-1, Сазагон-II, Жангаль 1, Тепакўл-3, Замичатош, Оғалиқ, 25-Оёқагитма, 27-Эчкиликсой, Чорбакти, 29-Тим ва х.к.

■ **Қозғистон жанубида неолит даври манзиллари**

■ Қозғистон жанубида неолит даврига оид жой-мақонлар топиб ўрганилди. Шулардан: Бургутли, Учбулоқ, Қораунгур, Инкардарё, Жалпоқ, Саксовул- I, Агиспе, Космала манзиллари дир. Бу манзиллар мил. ав. V-II минг йилликларга оиддир.

■ **Тожикистон худудида неолит даври манзиллари**

- Тожикистон Республикаси худудида неолит даври етарли даражада ўрганилмаган.
- Дарё водийлари, тоғ олди ва тоғлик худудларида 200дан ортиқ неолит даври ёдгорликлари мавжудлиги аниқланган. Чунончи: Тутковул, Сой-Сайёд, Дараи-шўр, Газиёнтека, Кўхна Бой, Танги Таври, Гўёнипойён манзиллари бўлиб, «Хисор маданиятини» ташкил этади.
- Тутковул – Норин шаҳаридан 12 км узоқликда Тутковул қишлоғи худудида жойлашган. Манзил кўп қатламли бўлиб, улардан 40 мингга яқин тош қуроллар ва идиш-товоқ парчалари топилган.
- Шундай қилиб, Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларда неолит даври манзиллари кенг суратда ўрганилган. Табиий шароитга хос хўжалик йўналиши мавжуд бўлган, бу хослик меҳнат қуролларида, уй-жой қурилишида намоён бўлган.

- **Шимолий худуд хўжалиги**
- Термачилик
- Овчилик
- Чорвачилик
- Хунармандчилик
- Ўзлаштирувчи хўжалик
- **Жанубий худуд хўжалиги**
- Дехқончилик
- Хунармандчилик ва чорвачилик
- Уй-жой курилиши, пахса, гувалак, сомон
- Ишлаб чиқарувчи хўжалик
- **Неолит даври меҳнат қуроллари**
- Тошболта, теша, кесгич, тешгич, майда меҳнат қуроллари, бигиз, тош пичоқ, игна, пластинкалар, ўроқ-рапунлар
- **Неолит даври ҳайвонлари**
- Жайрон, ёввойи чўчқа, буғу сайғоқ, ёввойи от ва х.
- **Марказий Осиё ва Шарқ худуди неолит даврида**
- Турон
- Олд Осиё
- Кичик Осиё
- Туркманистон
- Тожикистон
- Дарвозакир
- Калтаминор
- Иерихон
- Тел-ес-Саван
- Чатал-Гуюк Хаджилар
- Жойтун Чақмоқли
- Хисор

ЎРТА ОСИЁДА ЭНЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

- Режа:
- Энеолит даври хронологияси ва тавсифи. Ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар. Сунъий суғориши.
- Ўрта Осиёнинг энеолит даври ёдгорликларининг ўрганилиш даражаси.
- Энеолит даври маданияти босқичлари. Манзилгоҳлар, қурилиш конструкцияси.
- Жанубий Туркманистоннинг энеолит даври комплексларининг вужудга келиши.
- Саразм маданияти. Манзилгоҳ, қурилиш ва моддий маданият.

- **Марказий Осиёда Энеолит даври ёдгорликлари**
- Милоддан аввалги IV минг йиллиқдан III минг йиллик үрталарида инсоният тарихининг янги тош даври хўжалигида металл қуролларни эгаллай бошлади. Мил.авв. IV минг йилликда инсонлар мисдан қуроллар ясашни ўзлаштириб олдилар. Бу тарих фанида энеолит даври номини олган. Мис ашёси дастлаб ердан соф ҳолда топилган. Мил. авв. IV минг йилликка келиб одамлар металлнинг ғоят қимматли хусусиятларини – кучли оловда суюқликка айланишини ва ҳар хил шаклга кириб, совугандан кейин шу шаклни сақлаб қолишини билиб олганлар. Мисдан ишланган қуроллар тош қуролларига нисбатан анча такомиллашган бўлса-да, лекин мис чидамли ва оғир қуроллар ясаш учун яроқсиз бўлган. Мисдан асосан тақинчоқлар, ҳарбий қуроллар, уй-рўзгор буюмлари ясалган. Мисдан ясалган қуроллар тош қуролларни хўжалик ҳаётидан бутунлай сиқиб чиқара олмаган.
- Ўрта Осиё жамиятида қуйидаги янги маданий-тарихий жараёнлар энеолит даври билан боғлиқдир:
 - Хўжаликни бошқа ҳамма турларига қараган ҳайдалма дехқончиликнинг устунлик қилиши;
 - Тошдан ишланган қуроллар қўп бўлгани ҳолда, мис қуролларнинг пайдо бўлиши;
 - Катта-катта жамоаларнинг ривожланиши, пахсадан ва хом ғиштдан тикланган катта уйлар;
 - Қулолчиликда муҳим техника ютуғи – хумдонларнинг ишлатилиши;
 - Ўтроқчилик хўжалигининг ривожланиши, ибтидоий жамоа бирлашмаларининг қурилишида хом ғиштнинг ишлатилиши.
 - Турли ҳайвонларнинг лойдан ясалган ҳайкалчалари;
 - Рангдор сопол буюмлар, яъни турли тасвиirlар ишланган сопол идишларининг мавжудлиги.
- Тожикистон худудида энеолит ёдгорликларидан бири юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км фарбда топилган Саразм қишлоғи харобасидир. У дехқончилик қабилаларининг Ўрта Осиёни шимолий-шарқига ёйилганлигидан далолат беради. Саразм қишлоғи харобалари 10 та тепалиқда жойлашган бўлиб, умумий майдони 90 га. Саразм ёдгорлигининг маданий қатлами тўртта тарихий даврга бўлиниб, улар муҳим топилмаларга қараб бир-биридан фарқ қиласади.

- Саразмда бир хонали ва хом ғиштдан ясалган кўп хонали уйлар, иккита ибодатхона ва қишлоқ кўчалари очилди. Қазишималар натижасида уйлар ўртасида оиласи ғайни жойи, думалоқ шаклда ишланган оловхона, тарози тошлари, тўқимачилик дастгоҳининг қисмлари, урчуқлар, пичоқ, ханжар, қармоқ, игна ва бигизлар, сопол идиш парчалари, мис, ойна, тақинчоқлар топилган. Шундай қилиб, Саразм ёдгорлиги бободехқонларимизнинг дехқончилик хўжалиги хақида қимматли маълумотларни беради.
- Энеолит даври манзиллари Туркманистон Республикасининг Геоксюр воҳасида ўрганилди. Бу ҳудудда 12 та манзил ўрганилди. Режалаштирилиши айлана шаклда, қалинлиги 50 см девор билан ўраб олинган. Девор ўз навбатида ярим айлана шаклидаги кунгурлар билан кучайтирилган.
- Турун ҳудудида энеолит даври ҳанузгача археологик жиҳатдан ўрганилган эмас. Шу сабабдан Турун ҳудудидаги қабилаларнинг неолит ва бронза даври ўртасида бўлиб ўтган тарихий жараёнлар энеолит даврида номаълумлигича қолиб келмоқда. Турун замини қабилалари тўғридан-тўғри бронза ашёси билан таниш бўлиб, ундан меҳнат қуроллари ясад, хўжаликда фойдаланишга ўтишган. Ҳар ҳолда, Турун заминида неолит даври хўжалигини олиб борган қабилалар мил.авв. IV минг йилликлар даврида мис ашёси билан таниш бўлмаса керак.

ЎРТА ОСИЁДА БРОНЗА ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

- **Режа:**
- Бронза даврининг умумий хусусиятлари. Хронология ва даврлаштириш.
- Копетдоғ олди, Мурғоб воҳаси (Номозгоҳ) худудлари ёдгорликлари.
- Сополли маданияти ва босқичлари.
- Саразм (III, IV) маданияти. Замонбобо, Сувёрган, Тозабоғёб ва Чуст маданиятлари.
- Хўжалик шакллари. Манзилгоҳлар тузилиши ва режавий хусусиятлари, фортификация, уй-жой курилиши, диний иншоатлар.
- Ҳунармандчилик. Тасвирий санъат ёдгорликлари.

- Бронза асри мил.ав III минг ўрталаридан – милоддан авв. II минг йиллик охиригача бўлган тарихий жараённи қамраб олади.
- Бронзанинг кашф этилиши (90 % мис ва 10 % қалай) тарихий тараққиётни сезиларли даражада тезлаштириди. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Мессопотамия бўлган. Урта Осиёда бронза даври мил авв. III – II минг йилликларни қамраб олади. Бронза даври жамиятининг хўжалик соҳасида эришган катта ютуқларидан бири – сугорма дехқончиликнинг кенг ёйилиши ва мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвачиликнинг дехқончиликдан ажralиб чиқишидир. Бронза даврида яшаган аждодларимиз хўкиз, от, эшак ва тудан транспорт сифатида фойдаланганлар. Ҳайвонлар қўшиладиган ғилдиракли аравалар пайдо бўлган (Олтинтепа).
- Ўзбекистон ҳудудида бронза даври одамларининг ҳаётини тасвирловчи кўплаб манзилгоҳлар топиб ўрганилган. Бухоро вилояти Коракўл тумани марказидан 15 км шимолий-шарқдаги Замонбобо кўли атрофида 1950 йилларда Я.Фуломов, 1960 йилларда А.Асқаров тадқиқот ишлари олиб бориб бронза даври одамларининг макони ва қабристонини ўргандилар. Бу «Замонбобо маданияти» деб номланди. Замонбобо манзили ҳажми 170 кв.м бўлган ертўла турида бўлиб, икки чайла, кулолчилик хумдони ва бошқа ашёлар топилди. Қазишмалар вактида ертўла ва унинг атрофидан ўчок ўрни, устунлар, ўрнатилган чуқурчалар, қорамол, эчки ва ёввойи ҳайвонларнинг сұяклари, қорайиб кетган бутдой ва арпа донлари, қамиш ва похол қолдиқлари, тошдан ясалган ёргучоқ синиқлари, чақмоқ мунчоқлар топилди. Замонбобо кўлининг шимолий соҳилидан 45та қабр очиб ўрганилди. Шундан 8таси жуфт, 27таси якка ҳолда дағн этилган жасадлар қайд этилди. Мозорлар лаҳад шаклида бўлиб, марҳумлар ўнг ва чап ёни билан она қорнида ётган чақалоқ сингари ғужанак шаклида кўмилган. Үликлар ёлғиз, жуфт, баъзан учталаб кўмилган.
- Қўйи Амударё ҳавзасида 50 дан ортиқ бронза даври манзиллари топиб ўрганилиб, «Тозабоғёп» ва «Сувёрган» маданияти номларини олган. Манзиллар ярим ертўла шаклида бўлиб, уларнинг ҳажми $52 \times 90 \times 128$ м. Тозабоғёпликлар ва Сувёрганликларда чорвачилик тараққиёт этган, дехқончилик қисман мавжуд бўлган. Шу маданиятга мансуб Кўкча-3 қабри ўрганилди. 100та қабрдан 74 қабр очиб ўрганилган. Қабрлар ҳажми $1-1,5 \times 1,7-1,9$ м, 90 га яқин идишлар, зеб-зийнат буюмлари олинган.

- Самарқанд вилояти худудида Мўминобод ёдгорлиги ўрганилиб, сопол идишлар, жездан қилинган меҳнат қуроллари, зеб-зийнат буюмлари топилган. Бронза даврига оид ашёлар Сурхондарё ҳудудида кенг миқёсда топиб ўрганилди. А.Аскаров қўп йиллар давомида Сополлитепа ёдгорлигини текширди ва жуда кўп ноёб ашёлар олишга муваффақ бўлди. Манзил тўрут томони тент бўлиб, умумий ҳажми 4 га, мустаҳкамланган қисми 1 га Ёдгорликнинг ривожланиш тарихи Зта қурилиш давридан иборат бўлиб, биринчи даврда 30та кичик оила, иккинчисида – 61 та, учинчи даврда эса – 47та оила яшаган. Умумий аҳоли 320–350 киши бўлиб, 8 та маҳаллада яшаган. Уй хоналаридан 138 та қабр очиб ўрганилди, шулардан 125 таси якка жасад, 13 таси коллектив гўр бўлган. Эркаклар қабрларидан 26та металл қурол, аёллар қабрларидан эса 104та бронзадан ясалган буюмлар олинган. Маданий қатлам ва қабрлардан топилган идишлар 14 хилга бўлинган. Ёдгорликдан 16 минг ҳайвон суяклари олиниб, шундан 63 % қўй ва эчки суяклари бўлган. Ёдгорлик қалинлиги 1,80-2 м I - шаклдаги йўлакли девор билан ўраб олинган.
- Жез даври йирик ёдгорликларидан бири Жарқўтон бўлиб, Шеробод тумани худудида жойлашган. Умумий ҳажми 100га бўлиб, алоҳида Зта арк, ибодатхонага эга. Ибодатхона тўғри бўлган шаклда (44,5x60м), томонлари қалинлиги 4–5 м девор билан ўраб олинган. Ёдгорликда қабристон айrim жойлашиб, ундан 730дан ортиқ қабрлар қазиб ўрганилди. Тадқиқотчи ёдгорликни «илк шаҳар» тоифасига киритган. Жарқўтон уч босқичдан иборат, яъни: Жарқўтон – 1500–1350 йиллар, Кўзали – 1350–1200 йиллар, Муллали 1200–1000 йиллар.
- **Туркманистон ҳудудида жез даври ёдгорликлари**
- Туркманистон ҳудудида бронза даври ёдгорликларидан олинган ашёларга қараб икки маданият босқичга эга эканлигини таклиф қилинди.
- Булардан бири Номозгоҳ IV–V илк ва ривожланган бронза даври милоддан аввалги III минг йиллик ўрталари – II минг йилликнинг биринчи ярмига оид, иккинчиси эса Номозгоҳ–VI сўнгги бронза давридир.
- Мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми ва охирларини қамраб олган. Номозгоҳ IV–V даври ёдгорликлари Қизил Арват, Тажан дарёси ва Қуйи Мурғоб бўйларида жойлашган Номозгоҳтепа, Ановтепа, Оқтепа, Олтинтепа, Тепкитетпа, Гонуртепа, Тоғолоқтепа ёдгорликлари текширилган. Шу ёдгорликлардан Номозгоҳтепа – 70 га, Олтинтепа – 30 га бўлиб, катта ҳажмдаги ёдгорликлардир. Номозгоҳтепада маданий қатлам 34 м бўлиб мил.ав IV минг йиллик ва II минг йиллик охиригача маданий ҳаёт бўлган.

- Олтинтепада В.М.Массон кўп йиллар давомида археологик қазиш ишларини олиб борди, натижада қисқа кўчалар, маҳаллалар, уй хоналари (ҳажми 50x70x100м) топилган. Йибодатхона ўрганилган, унинг пойдевори 55 м, баландлиги 12 м. Ёдгорлик тўрт томонини 2,5 – 3 м. мудофаа девори билан ўраб олинган, у айланана ва тўғри бурчакли қунгурлар билан мустаҳкамланган. Ёдгорлик дарвозасининг қисми пилонларга бўлинган.
- **Тожикистон ҳудудида бронза даври ёдгорликлари**
- Кофирниғон, Вахш, Қизилсув дарёлари соҳилига яқин ҳудудларда бронза даври ёдгорликлари кенг миқёсда ўрганилган. Бешкент чўлида 75 та қабр ўрганилди, шулардан ноёб ашёларга бойлиги жиҳатидан Тулхар қабри ажralиб туради. Шу билан бирга Тандирийўл, Вахш, Ойкўл, Қизилсув қабрлари ҳам ўрганилди.
- Саразмнинг маданий қатламлари бронза даврига оидdir.

ЎРТА ОСИЁДА ТЕМИР ДАВРИ ЁДГОРИКЛАРИ

■ Режа:

- Темир даври умумий тавсифи. Хронология ва даврлаштириш.
- Ўрта Осиёнинг жанубий (Дахистон, Шимолий Парфия, Маргиёна, Шимолий Бақтрия, Сўғд) ва шимолий (Уструшона, Фаргона, Чоч) ҳудудларининг темир даври маданиятлари.
- Хоразмнинг темир даври маданияти. Хўжалиги хусусиятлари ва уларнинг фарқлари. Манзилгоҳлар, фортификация, меъморчилик, моддий маданият, санъат.
- Ўрта Осиёнинг илк темир даври маданиятининг (рангдор сопол маданияти) пайдо бўлиш муаммолари.

- Инсоният темир билан танишиши мил.авв. III–II минг йилликка түғри келади. Темир буюмларидан биринчи бўлиб Хетт қабилалари, кейинчалик Миср, Месопотамия, Эрон ҳудудларида қабилалар хўжалиқда кенг фойдаланишган. Темир 1500 ҳароратда эрийди. Ўрта Осиёда темир қуроллари мил.ав. VI–IV асрларга оидdir ва 30дан зиёд ёдгорликлар маданий қатламларидан олинган.
- Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон ва Хоразм воҳаси, Фарғона водийси ҳудудларида темир қуроллари тарқалган.
- Ўзбекистон ҳудудида темир даври қуроллари Сурхондарё ҳудудидаги Кучуктепа, Қизилтепа, Фозимулла, Қизилча, Бандиҳон, Талашкан-1 ёдгорликлари маданий қатламидан топилган.
- Фарғона водийсида мил.авв. I минг йиллик бошларида Чуст маданияти тараққий этган. Бу ҳудудда 70дан ортиқ ёдгорликлар мавжудлиги қайд этилган. Шулардан энг йириклари Чуст, Далварзинтепа, Ашқолтепа, Бозтепа, Чимбой, Эйлатан ва бошқалар.
- Қашқадарё ҳудудида Еркўргон, Даратепа, Узунқир, Сангиртепа Падоёктепа ва Кеш ёдгорликлари жойлашган.
- Марказий Зарафшон ҳудудидаги Мароқанда, Кўктепа ёдгорликлари темир даврига оид.
- Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда содир бўлган иқтисодий туб ўзгаришлар Тошкент воҳаси аҳолиси ҳаётида ҳам юз берди. Бу минтақа чорвадорлари ҳам аста-секин дехқончилик учун қулай бўлган жойлардан доимий қароргоҳларини белгилаб, зироатчилик билан шуғуллана бошлаганлар. Чирчиқ, Оҳангарон ва уларнинг ирмоқлари бўлган катта ва кичик сойлар ҳавзаси Тошкент воҳасининг энг қадимги дехқончилик марказларига айланган. Масалан, Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Бургулусой ҳавзаси Тошкент воҳасидаги илк дехқончилик маданияти таркиб топган ҳудуд бўлиб чиқди. Бу ҳудудда А.И.Тереножкин 1940 йилда Бургулусой бўйлаб археологик изланишлар олиб бориб, дехқончилик билан шуғулланган аҳолининг бир неча қароргоҳларини топди.
- Бухоро вилояти ҳудудида эса Сеталак, Ромиш ва бошқа ёдгорликлар қайд этилган.

- Хоразм воҳасида Кўзалиқир, Қўйисой ва Дингилжа ёдгорликларида темирдан қилинган меҳнат қуроллари олинган. М.Г.Воробьева маълумотларига қараганда, 250 дан зиёд манзиллар темир даврига оид бўлиб, уларнинг аксарияти археологик жиҳатдан ўрганилган эмас.
- **Туркманистон ҳудудида темир даври ёдгорликлари**
- Мустақил Туркманистон давлати ҳудудида темир даври ёдгорликлари кенг миқёсда ўрганилган.
- Язтепа – Қуий Мурғоб атрофида жойлашган, ҳажми – 16 га. В.М.Массон раҳбарлигидағи гуруҳ қазишишларини олиб борган. Ёдгорликнинг энг қуий қатлами Язтепа-1 деб номланиб, тўғри бурчакли катта иморат-қўргондан иборат сарой қолдиги топилган. Хоналар узунчоқ ҳамда тўртбурчак шаклдан иборат. Ёдгорлик мил.авв. 900-650 йил билан саналади.
- Шу билан бирга, Иzzатқўли, Мадау, Елкентепа, Эркқалъя ёдгорликлари маданий қатламларидан темир даврига оид ашёлар олинди. Бу ёдгорликлар мил.авв. VII–VI асрларга оидdir.
- Шундай қилиб, Турон заминида темир қуроллари хўжаликда мил.авв. VI–V асрлардан бошлаб ишлатилган. Темир даврида йирик сугориш иншоотлари қурилиши бошланди, янги ҳудудлар ўзлаштирилди, натижада сугориладиган дехқончилик воҳалари вужудга келди. Шу билан бирга, бу тарихий даврга келиб чорвадор қабилаларнинг ўтрок дехқончилик воҳаларига ҳужуми қучайди, натижада қалинлиги 10–5 м мудофаа девор билан ўраб олинган аҳоли манзиллари қурилди. Урта Осиёнинг жанубий, Марказий ва Шимолий ҳудудларида темир қуролларининг ишлатилиши жамият ривожининг баробарлашишига олиб келди. Урта Осиёнинг сугориладиган воҳаларида мудофаа девор билан ўраб олинган шаҳар шаклида аҳоли марказлари пайдо бўлди, улар ўз навбатида ижтимоий-иктисодий ва маданий-этник марказ бўлиб тарих саҳнасига чиққан.

ЎРТА ОСИЁДА АНТИК ДАВР ЁДГОРЛИКЛАРИ

- **Режа:**
- Антик давр умумий хусусиятлари. Хронология.
- Тарихий-маданий вилоятлар. Хўжалик.
- Ўрта Осиёнинг антик даври шаҳарлари (тузилиши ва режалаштирилиши). Уй-жой, сарой, диний меъморчилик ёдгорликлари.
- Ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат. Ҳунармандчилик (кулолчилик, заргарлик).
- Меъморчилик ва санъатда эллин, будда ҳамда маҳаллий анъаналарнинг намоён бўлиш даражаси.

- Ўрта Осиё худудида мил.ав. IV – милодий IV асрларга оид ёдгорликларда кенг миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борилди.
- Ўзбекистон худудида М.Е.Массон раҳбарлигига Термиз археология экспедицияси, Я.Ф.Ғуломов номидаги Археология институтининг археология гурухи Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси, Хоразм воҳасида В.М.Массон раҳбарлигига Бақтрия экспедицияси, Г.А.Пугаченкова раҳбарлигига Хамза номидаги санъатшунослик экспедицияси ходимларининг Сурхондарё вилоятидаги фаолиятларини қайд этиш мумкин.
- Мустақиллик йилларида Ўзбекистон вилоятлари ҳудудларидағи ёдгорликларда археологик қазиш ишлари давом эттирилди. Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда экспедициялар фаолият олиб бормоқда. Бу тадқиқотларда Франция, Германия, Польша, Россия, Австралия, Япония олимлари фаол қатнашмоқдалар.
- М.Е.Массон раҳбарлигига Туркманистан ҳудудида Туркманистан археология экспедицияси ходимлари археологик тадқиқотларни олиб борди. Тоҷикистон ҳудудида А.Н.Бернштам, Помир-Олой тоз тизими атрофларида А.М.Манделштам, Бешкент чўлида археологик тадқиқотларни олиб бордилар.
- Ўрта Осиё худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида олинган ашёлар антик давр тарихини ёритища муҳим манба бўлади.
- **Ўзбекистон ҳудудида антик давр ёдгорликларида археологик тадқиқотлар**
- Ўзбекистон ҳудудида антик даврга оид ёдгорликларни ўрганиш Сурхондарё ҳудудида олиб борилди.
- XX асрнинг 30 йиллари бошлари ва ўрталарида М.Е.Массон раҳбарлигидаги Термиз археология-комплекс экспедицияси ходимлари эски Термизнинг қалъа қисмида қазиш ишларини олиб бориб, мил.авв. III асрга оид ашёларни олишга муваффақ бўлдилар. Шу билан бирга, Қушон даврига оид Айритомда қазиш ишларини олиб борди, натижада ноёб ашёлар, яъни «арфа чалаётган аёл» ҳайкали топилган.

- 1937–1940 йилларда С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология- этнография экспедицияси Амударёning қуриб қолган ўзани Ақчадарё ҳавзасидаги тарихий обидаларни рўйхатга олди, археологик харитага жойлаштириди, Жонбос қалъа, Тупроқ қалъа ёдгорликларида қазиш ишларини олиб борди. Экспедиция аъзолари 1946 йилдан 1991 йилгача бўлган тарихий даврда Кўйқирилган қалъа, Кўзалиқир, Аёзқалъа 1, 2, 3, Қалалиқир, Қуйисой-2 ёдгорликларида кенг миқёсда қазиш ишларини олиб борди. Кўйқирилган қалъа ўзининг режалаштирилиши, меъморий иншооти билан дикқатга сазовор.
- С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари кенг миқёсда тарихий обидаларни рўйхатга олишни олиб борди, натижада 400га яқин обидалар топилиб, улар антик ва ўрта асрларга оидdir. 1967 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон филиалининг археологик гурӯҳи Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти худудида археологик қидирув ва қазиш ишларини олиб борди. Е.Бижанов Устюртдаги қадимги тош даври манзилларини, В.Н.Ягодин Кердар маданияти, Хоразм ва кўчманчилар алоқалари, А.В.Гудкова Токқалъа, Г.Хўжаниязов Кўргошин қалъа, Бурли-қалъа, Акчингул ёдгорликларида, М.Мамбетуллаев Катқалъа, Тупрокқалъа, Воянган Тупрокқалъа (Хива), Олмаотишган-2, Хива, К.Собиров Катқалъа, Тупроққалъа, Хазорасп ёдгорликларида археологик қазиш ишларини олиб бордилар.
- Мил.ав. IV – милодий III асрларга оид бўлган шаҳарлар кўчманчилар билан чегараларда, дарё соҳилларида, суғориладиган воҳаларда қурилган бўлиб, мукаммал мудофа тизимларига эга.

- **Амударёning ўнг соҳили худудидаги қалъалар:**
- Жонбосқалъа, Қўйқирилганқалъа, Аёзқалъа 1, 2, 3, Катта ва Кичик Қирққизқалъа, Қулқалъа, Қумбосганқалъа, Думанқалъа, Акшахон, Тупроққалъа, Қизилқалъа, Қўрғошинқалъа, Ақчунгул, Қуюққалъа, Гаурқалъа (Султон Увайс тоги), Тукқалъа, Жилдикқалъа, Бургутқалъа, Элликқалъа, Уйқалъа, Катта Гулдурсун, Бозорқалъа, Ангқақалъа, Пилқалъа, Одамлиқалъа, Дошқалъа-2 , Тупроққалъа, Эресқалъа.
- **Амударёning сўл соҳили худудидаги қалъалар:**
- Гурганч, Давкасган, Шохсанам, Шехрлик, Ярбекирқалъа, Замахшар, Иchanқалъа, Бўлдимсоз, Гаурқалъа (Хўжайли), Кетменчи, Тупрокқалъа (Хива), Тупроққалъа (Янгиарик), Тупроққалъа (Кушкўпир), Кунақалъа, Воянган, Тупроққалъа (Шовот), Катқалъа (Шовот) Калажик, Хазорасп, Чингизтепа 1, 2, 3, Хумбузтепа, Тупрокқалъа (Қўнғирот), Садвар, Жигарбанд, Элхарос, Даргон, Гаур 1, 2 (Сариқамиш ҳавзаси) ва бошқалар.
- Антик даврда бу шаҳарлар мустақил шаҳар-давлатлар сифатида мавжуд бўлиб, ҳарбий чегара ва иктисадий маданий марказлар бўлган. Юқорида қайд этилган қалъаларни баъзиларининг меъморий-топографик ва мудофа тизимига эътиборни қаратамиз. Ёнбошқалъа – Тўрткўл тумани худудида жойлашган, тўғрибурчак шаклда (200×170 м. 3,4 га) тўрт томонини икки қаторли девор ўраб олинган. Аввал пахсадан кейин эса тўрт томони тенг хом ғиштдан тикланган ($40\times40\times10$ см). Девор пастки қисми қалинлиги – 5 м, баландлиги 5-10 м. Дарвоза тўғри бурчакли бир неча айланма йўлдан иборат йўлакка эга бўлиб, унинг кенглиги – 5 м. Девор ва дарвоза деворида кунгурлар мавжуд эмас, балки шахмат услубида жойлашган найза ўқи учли шинаклар мавжуд, улар ўртасидаги оралиқ майдони 1,20-1,84 м, ички томонда кенглиги 0,18-0,12 см, ташқи томонда эса 0,30-0,40 см. Деворлар бурчагида учта шинак жойлашган бўлиб, турли томонга йўналиб, кунгур вазифасини бажарган.
- Қўйқирилганқалъа – Тўрткўл тумани худудида жойлашиб, айланана шаклда қурилган, ҳажми 86,5 м мудофаа девор билан ўраб олиниб, 9 та кунгур билан мустаҳкамланган. Кунгурлар ён томонга эмас, девордан анча баланд қилиб қурилган. Ёдгорлик марказий қисмида цилиндр шаклида (ҳажми 42 м) икки қаватли иншоот қурилган.
- Ёдгорлика астрономик кузатишлар олиб борилган, кейинги тарихий даврда қабристонга айланган (лойдан ясалган оссуарийлар кўплаб топилган).

- Тупроққалъа – Элликқалъа тумани худудида жойлашган, тұғрибурчак шаклда, умумий майдони – 17 га: Тупроққалъа ёдгорлигининг қурилиши тарихи масаласыда турли фикрлар мавжуд. Тупроққалъада энг қадимий маданий қатламгача тадқиқот ишлари олиб борилған эмас, шунинг учун ҳам унинг қурилиш хронологияси мунозарали бўлиб қолмоқда. Бизнингча ёдгорлик мил.ав. IV асрда қурилган бўлса керак. Вазамар даврида Тупроққалъа Хоразмшохларнинг ёзги қароргоҳи, пойтахт эса Акшахон қалъаси бўлған. Шаҳар дарвозаси жануб томонда жойлашиб, тұғрибурчакли лабиринт билан мустаҳкамланган, кунгурга эга эмас. Дарвозадан қарши томонда кенглиги 10 м кўча ўтган бўлиб, ички қисмини икки маҳаллага ажратган уй-жойлар зич жойлашган. Шаҳарнинг шимолий-гарбий қисмида сарой жойлашган, учта кунгур билан мустаҳкамланган. Саройнинг майдони 6,5 минг м². Саройда бир неча «Кагта заллар» очилган бўлиб, уларнинг деворларида турли ҳайкал тасвиrlари туширилган, топилган ашёларга қараб уй хоналари «Подшо зали», «Аскар зали», «Буғу зали» номини олган. Сарой хоналаридаги катта аҳамиятга эга бўлған ашёлардан бири тери ва ёғоч тахтачаларга ёзилган 120га яқин подшолик архив хужжатлари олингандигидир.
- Иchanқалъа тұғрибурчак шаклда, умумий майдони 26 га. Қадимда икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинган, девор ўз навбатида айлана шаклдаги кунгурулар билан ўраб олинган, улар ўртасидаги оралиқ – 30 м.
- Шаҳарнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш мақсадида М.Мамбетуллаев шаҳарнинг бир неча жойида тадқиқот ишларини олиб борди, натижада 10 та қурилиш даври мавжудлиги аниқланди.
- Мудофа деворининг етти жойида кесиш ишлари олиб борилиб, натижада девор қурилиши тарихи ойдинлашди.
- I–қурилиш даврида икки қаторли девор пахсадан қурилиб, унинг баландлиги – 0,85 м, йўлак кенглиги – 2,50 м. Бу қурилиш даври милоддан аввалги VI–V асрларга оид, II–қурилиш даврида пахса девор устига хом ғиштли девор тикланган, ҳажми (40x40x10 см, 41x41x12 см) йўлак кенглигига ўзгариш сезилмайди, қўш девор кўтарилиши давом этади, ташқи томондан қўшимча девор қурилиши олиб борилған, натижада девор қалинлиги 7 м бўлған (мил.ав. IV–III асрларга оид).

- III–қурилиш даври – Хивада маданий ҳаёт юксалади, ғарбий девор марказида арк қад күтәради, бу ривожланиш милодий IV асрғача давом этади. Таşқи томондан деворга қўшимча девор қурилиши давом этиб, унинг қалинлиги 9 метрга етади. Таşқи девордаги кунгурда ҳам таъмир ишлари олиб борилган, натижада тўғрибурчакли кунгур айланы шаклга айланиб қолган. Демак, антик даврда Иchanқалъа савдо ҳунармандчилик маркази бўлиши билан бирга ҳарбий чегара вазифасини ҳам бажарган.
- Хазорасп – Хоразм воҳасининг жанубий дарвозаси бўлиб, энг қадимий шаҳарлардан биридир. Ёдгорлик текисликка қурилган, унинг режалаштирилиши тўрт томони тенг (10,8 га), қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган, улар ўртасида кенглиги 2,10 м бўлган йўлак ўтган. Шаҳарнинг жанубий-шарқий бурчагида арк жойлашган (ҳажми 40x40 м). Ёдгорликнинг қурилиш тарихи тўғрисида ягона илмий фикр ҳанузгача мавжуд эмас, бунга археологик қазиш ишларининг энг қадимий маданий қатламгача олиб борилмаганлиги дидир.
- 1958–1960 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари, 1997, 2000, 2003 йилларда Хоразм Маъмун академиясининг археология гурӯҳи ходимлари Хазораспнинг бир неча жойида тадқиқотлар олиб борилган, афсуски бу тадқиқотлар тугалланмай қолиб кетган.
- Девор ва кунгурлар сақланиб қолган, баландлиги турлича, яъни 5–14 м. Жанубий девор маҳаллий аҳоли томонидан бузиб ташланган, бу деворда битта кунгур сақланиб қолган, ғарбий, шимолий ва шарқий деворларда кунгурлар яхши сақланган, улар ўртасида оралиқ 10–55 м.
- Шимолий-ғарбий қисми ички қисмидан энг қадимги пахса девор топилди, унда тўғри бурчакли кунгур мавжуд.
- Қалъанинг масжид қисмida, шимолий-ғарбий, ғарбий қисмда мудофаа деворини кесиш ишлари олиб борилди. Натижада шаҳарнинг қурилиш тарихини мил.ав. VII аср билан белгилаш имконини берди. Тадқиқотчи Қ.Собиров Бўстон шаҳрида бўлиб ўтган Xalqaro Симпозиумда қилган маъruzасида Хазорасп ёшини милоддан аввалги VII–VI асрларга оидлигини қайд этган эди. Хуллас Хазорасп қалъасида кенг миқёсда тегилмайдиган ер қатламигача археологик тадқиқотни олиб бориш зарур, бу албатта келажакка оид масаладир.

- Катқалъа (Шовот) – Шовот туманидаги Беруний номли ширкат хўжалиги Кат қишлоғи ҳудудида жойлашган, режалаштирилиши нотўғри тўғри бурчак, умумий ҳажми 10,8 га, қадимда икки қаторли девор ўраб олган бўлиб, улар ўз навбатида ярим айланали кунгурлар билан кучайтирилган, улар ўртасидаги оралиқ –27 м. Ёдгорлик мил.ав. IV асрда қурилган.
- Акшахон – Беруний туманидаги «Озод» фермер хўжалигидаги қумликлар ўртасида текисликка қурилган. Режалаптирилиши тўғрибурчак шаклда, умумий майдони – 45 га, қадимда икки қаторли девор ўраб олган, кенглиги – 6 м. Девор бўйлаб тўғрибурчакли кунгурлар, бурчак қисмида эса тўрт томони тенг кунгурлар жойлашган.
- Шимоли-ғарбий бурчакда арк жойлашган, тўғрибурчак шаклда (380x340 м). Дарвоза жанубий-шарқий ва жанубий-ғарбий деворда жойлашган, лабиринт билан мустаҳкамланган. Ёдгорликнинг ташкии девори ва кунгури ўрганилди. Ёдгорлик мил.ав. IV – милодий III асрларда Хоразмнинг пойтахти бўлган (подшо Фаразман 1500 отлиқ аскар билан Бақтр шаҳрига А.Македонский хузурига шу шаҳардан кетган бўлиши шубҳасиз). Ёдгорлик Қорақалпоғистон ва Австралия олимлари томонидан узлуксиз равишда текширилмоқда.

■ **Бухоро вилоятида антик давр ёдгорликлари**

- Бухоро вилояти ҳудудида Р.Сулаймонов раҳбарлигига, Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш мақсадида А.Р.Мухаммаджонов раҳбарлигидаги археологик гуруҳлар тадқиқот ишларини олиб борди. Натижада Ромиш-I, II, III, Сеталак, Бухоро кенг миқёсда ўрганилди.
- Бухоро – Зарафшоннинг Рудизар ва Зарируд исмли икки соҳилида бир-бирига қарама-қарши жойлашган, алоҳида-алоҳида қишлоқлар асосида пайдо бўлган. Шаҳарнинг етти жойида кенг кўламда археологик тадқиқотлар олиб борилган, ундаги маданий қатлам 20 метрдан ошиқ. Девор аввал пахсадан, кейин тўрт томони тенг хом ғиштдан қурилган, тўғри бурчакли кунгурга эга. Шаҳар уч қисмдан иборат, яъни арк, шаҳристон ва шаҳар атрофидан иборат бўлиб, турли тарихий даврда шаклланган.
- Шу билан бирга, Козимонтепа, Чордира, Қўшрабод, Арабоп-1, Арабоп-2, Варахшанинг қуйи қатлами, Хўжабўстон, Бештепа ёдгорликлари ўрганилди.

- **Қашқадарё вилояти ҳудудида антик давр ёдгорликлари**
- С.К.Кабанов, Р.Сулайманов раҳбарлигидаги археологик гурухлар Еркўргонда, Тошкент Давлат Миллий университети археология гуруҳи Кешда, М.Тўрабеков раҳбарлигидаги гуруҳ Қарши шаҳрида археологик қазиш ишларини олиб борди. Шу ёдгорликлардан Еркўргонда кенг миқёсда археологик қазиш ишлари олиб борилди. Еркўргон – Наутака вилоятининг маркази бўлган (А.Македонский шу шаҳарда тўхтаган деган тахминлар бор). Режалаштирилиши айланана шаклда, умумий майдони – 70 га. Антик даврга оид қалъа девори, арк девори ва ибодатхона ўрганилди. Шу билан бирга, Қалъаи- Захоки Марон, Тиллатепа, Касантепа ёдгорликлари ҳам ўрганилган.
- **Самарқанд вилояти ҳудудида антик давр ёдгорликлари**
- Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигига Афросиёб экспедицияси Афросиёбда кенг миқёсда археологик тадқиқотларни олиб борди.
- Шаҳарнинг мудофаа девори ва ички қисмида қадимий маданий қатлам ўрганилди, натижада ёдгорликнинг қурилиши мил.ав. 2500 йилга оидлиги аниқланди Бу ёдгорликда Узбекистон-Германия, Узбекистон-Франция археология экспедицияси ходимлари фаолият олиб бормоқдалар. Р.Сулаймонов раҳбарлигидаги археологик гуруҳ Кўктепада археологик қазиш ишларини олиб бориб, қадимий шаҳар эканлигини аниқлади. Шаҳарнинг ҳажми 100 га, арк, ибодатхона, уй, маҳаллалар ўрганилган. **Фарғона водийсида антик давр ёдгорликлари**
- Фарғона водийсида Ю.А.Заднепровский, Г.Абулғозиева, А.Анорбаев, Б.Матбабаев, Н.Г.Горбунова раҳбарлигидаги археологик гуруҳлар тарихий обидаларда археологик қазиш ишларини олиб бордилар.
- Антик даврга оид 20 га яқин ёдгорлик қайд этилган, Хитой ёзма манбаларидағи маълумотларга қараганда, Фарғона водийсида 70 дан ортиқ шаҳарлар бўлган.
- Эйлатан – режалаштирилиши тўғри бўлган шаклда, икки қаторли девор билан ўраб олинган, умумий майдони – 200 га. Арк мил.ав IV – III асрларга оид.

- Мингтепа – режалаштирилиши түғри бурчак шаклда, умумий майдони – 40 га. Мингтепа ёки Марҳамат шаҳри икки қаторли девор билан ўраб олинган, девор ўз навбатида түрт бурчакли кунгурлар билан кучайтирилган, улар ўртасидаги оралиқ 30 – 40 м. Шаҳарни Эршига ўхшатишади.
- Кўргантепа – режалаштирилиши түғрибурчак шаклда (250x230 м), 5,7 га, қадимда девор билан ўраб олинган.
- Ахсикент-1А, Ахсикент 1В – режалаштирилиши түғрибурчак шаклда, умумий майдони 35 га, мил.ав. III – II асрларга оид, қалинлиги 5 м девор билан ўраб олинган.
- Эрши – шаҳарнинг жойлашиш ўрни мулоҳазали. Н.Я.Бичурин Эршини Кўқон шаҳри ўрнида, А.Н.Бернштам эса Мингтепа ёдгорлигига деган фикрни билдирадилар. Янги маълумотларга қараганда, Эрши – Эски Ахси деган фикрлар пайдо бўлди. Мил.ав. III–I асрларда Эрши Ахси ўрнида бўлган шаҳар 40 га бўлиб, арк икки қисмдан иборат бўлган Эсгарлик девор билан ўраб олинган, қалинлиги – 5 м, баландлиги – 3 м.
- Қува (Кубо) – ҳозирги Қува шаҳри марказида тепалик мавжуд бўлиб, маҳаллий аҳоли ўртасида «Шаҳристон» номи билан маълум. Ёдгорликни Б.А.Латинин, В.Д.Жуков, А.Н.Бернштам, В.А.Булатова, И.Ахроров, Ю.А.Заднепровский, Б.Матбабаевлар археологик жиҳатдан ўргандилар. Ёдгорликни 1956 йилдан Я.Ф.Ғуломов раҳбарлигидаги археологик гуруҳ ўрганишни бошлаган. Ёдгорликнинг қурилиши милодий I – III асрларга оид бўлиб, пахса девор билан ўраб олинган. Тадқиқотчи Б.Матбабаев шаҳарнинг дастлабки қурилиш даврини мил.ав. V асрга оид эканлиги тўғрисида хulosалар чиқарган.

- Сурхондарё вилояти худудида антик давр ёдгорликлари
- Эски Термиз – 1936–1938 йилларда М.Е.Массон раҳбарлигига Термиз археология экспедицияси шаҳарни археологик жиҳатдан ўрганиш ишини олиб борди. Унинг «қалъа» қисмида қазиш ишларини олиб борди ва шаҳарнинг ёшини мил.ав. III аср билан аниқлади. 1981 йилдан Археология институтининг археология гурӯҳи археологик қазиш ишларини олиб борди. Ш.Рахманов 1993 йилдан эски Термиз мудофаа девори қурилиши тарихини ўрганишни бошлади. Кейинги йилларда Ўзбекистон-Япония археология экспедицияси ходимлари (раҳбари Ш.Пидаев) Эски Термизда археологик қазиш ишларини олиб бормоқда, олинган натижалар шаҳарнинг қурилиш даври мил.ав.V асрға оид эканлигини исботладилар.
- Далварзинтепа – Шўрчи тумани худудида жойлашган, тўғрибурчак шаклда, умумий майдони – 30 га, қадимда тўрт томони девор билан ўраб олинган, девор ўз навбатида тўғрибурчакли кунгурлар билан ўраб олинган, улар орасидаги майдон 27–30 м. Ёдгорлик 1967 йил Л.И.Албаум томонидан топилиб, 1970 йилдан бошлаб Г.А.Пугаченкова раҳбарлигидаги Хамза номли санъатшунослик институтининг археологик гурӯҳи ёдгорликда текшириш ишларини бошлаб юборди.
- 1971 йилда Далварзинтепа уй хоналаридан бирида кичик тувакчада олтиндан ясалган 115 та ашёлар топилган. Улар хотин-қизларнинг безаклари, яъни билагузуклар, балдок, тумор, турли шаклдаги буюмлардан иборат бўлган. Ёдгорликда Б.А.Турғунов раҳбарлигига Ўзбекистон-Япония экспедицияси ходимлари қазиш ишларини олиб бормоқда.
- Зартепа – Сурхондарё вилояти Ангор тумани худудида Шеробод-Термиз йўлининг ўнг томонида 200 м узоқликда жойлашган. Режалаштирилиши тўрт томони тенг, умумий майдони – 16 га. Тўрт томони икки қаторли девор билан ўраб олинган бўлиб, яrim айланали кунгурлар билан кучайтирилган, улар ўртасидаги масофа – 34 м. 1972–1974 йилларда Қ.Собиров раҳбарлигидаги гурӯҳ Зартепанинг мудофаа тизимини ўрганиш ишларини олиб бориб, 4 га қурилиш давридан иборат эканлигини аниқлади.

- Шаҳарнинг марказида сарой, шарқий қисми деворининг ички қисмida будда ибодатхонаси қолдиғи ўрганилди.
- Шаҳарнинг қурилиши мил.ав. I асрда, унинг инқизоризи эса милодий IV асрға оид бўлган.
- Қоратепа – Эски Термиз худудида жойлашган, 1972 йилдан Б.Я.Ставиский раҳбарлигидаги Москва санъатшунослик музейи археологик гуруҳи ёдгорликда қазиш ишларини олиб борди, натижада будда ибодатхонаси топиб ўрганилди.
- Фаёзтепа – Эски Термиз худудида жойлашган. Л.И.Албаум раҳбарлигига археологик гуруҳ ёдгорликда қазиш ишларини олиб борди. Натижада будда ҳайкаллари, буддистлар тўпланадиган жой ўрганилди. Бу ёдгорликлардаги Ўзбекистон–Япония давлатлари бирлашган археологик гуруҳи қазиш ишларини олиб боришишмоқда, топилган ашёлар бир неча марта Япониядаги қўргазмада намойиш қилинган. Э.Ртвеладзе томонидан Сурхондарё вилояти бўйлаб археологик қидирув ишлари олиб борилиб, 130 дан ортиқ ёдгорликлар вилоят археологик харитасига қайд этилган, уларнинг аксарияти антик даврга оид бўлган.
- Шу билан бирга, Халчаён, Хайдаробод, Мирзакўлтепа, Ойсаритепа каби қишлоқ манзиллари археологик жиҳатдан ўрганилган.
- Г.А.Пугаченкова Халчаён ёдгорлигига қазиш ишларини олиб бориб, ҳукмдор саройини ўрганди, бу ердан суворийлар, инсонлар ҳайкаллари топилган.
- **Тошкент вилояти худудида антик давр ёдгорликлари**
- Вилоят худудидаги тарихий обидаларда Ўзбекистон Фанлар Академияси археология институтининг Ю.Ф.Буряков, М.И.Филанович, К.Абдуллаев, Х.Дуке раҳбарлигидаги археологик гуруҳлари қазиш ишларини олиб бордилар, натижада антик даврга оид ашёлар олинди.
- Шоштепа – Салар канали соҳилида жойлашган, тўғри бурчак шаклда 300x150 м, 4,5 га. 1978–1979 йилда ёдгорликнинг жануби-шарқий қисмida жойлашган арқда қазиш ишлари олиб борилди, натижада ІІ қурилиш даври аниқланди. Археологик ашёларга қараб Шоштепанинг хронологик даври аниқланди.

- Шоштепа I - (мил.ав. V – IV асрлар)
 - Шоштепа II - (мил.ав III – II аср бошлари)
 - Шоштепа III - (мил.ав II – I асрлар)
- Канка – Оҳангарон дарёси соҳилида баландликка тўғри бўлмаган тўғрибурчак шаклда қурилган, умумий майдони 150 га. Қадимда девор билан ўраб олинган. Шимол томон бурчагида арк жойлашган. Девор аввал пахсадан, кейин хом ғиштдан тикланган. Деворда айлана шаклда кунгурлар мавжуд, унинг ҳажми 9 м.
- Кавардан – нотўғри тўғрибурчак шаклда, умумий майдони – 75 га. Қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган. Айлана шаклдаги аркка эга. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида антик давр ёдгорликлари жуда кам ўрганилган. Жиззах ҳудудида Замин шаҳари тўғрисида кам маълумотлар бор.

ФАН БҮЙИЧА МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

- Археология фани түшүнчлеси.
- Археология фанида даврлаштириш ва ёдгорликларни даврий санаси
- Манбалар, ёдгорликлар, археологик маданият.
- Археологик даврлаштириш ва хронологияси ҳақида айтиб беринг.
- Ўрта Осиё археологияси ва тарих.
- Ўзбекистон худудида "онгли одам"нинг пайдо бўлиши ва Фергантроп
- Антропогенез жараёни
- Палеолит даври
- Палеоантропологик топилмалар.
- Мезолит даври
- Мезолит даврини қоятош суратлари
- Неолит даври
- Жойтун маданияти
- Калтаминон маданияти
- Ҳисор маданияти
- Ўрта Осиёда неолит даври
- Энеолит даври
- Бронза даври
- Темир даври
- Ўрта Осиё илк темир даври маданияти

ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

- Иллюстрациялар (мавзу бўйича)
- Янги интернет маълумотлари
- Илмий адабиётлар
- Видео-аудио ускуналар
- Фото слайдлар
- Компьютер ва мультимедиа технологиялари
- Жиҳозлар
- Ускуналар
- Мосламалар

ФАННИНГ МАВЗУЛАРИ БҮЙИЧА ТЕСТ ВАРИАНТЛАРИ

- 1. Қадимги битиклар билан қайси фан шүғулланади?
 - а) нумизматика
 - б) археология
 - с) антропология
 - д) этнография
 - е) эпиграфика
- 2. Қадимги нумизматика - бу ...
 - а) тилшунослик фани
 - б) тангашунослик фани
 - с) қазищмалар фани
 - д) битикшунослик фани
 - е) урф-одатларни ўрганувчи фан
- 3. Энг қадимги шаҳарлар ва давлатлар ташкил топиш даврини олимлар нима деб атайдилар?
 - а) цивилизация
 - б) диктатура
 - с) демократия
 - д) республика
 - е) монархия
- 4. Дастлабки цивилизация тарихи қаердан бошланган эди?
 - а) Қадимги Юнонистон
 - б) Қадимги Рим
 - с) Ўрта Осиё
 - д) Қадимги Шарқ
 - е) Крит
- 5. Қадимги дунё тарихи қайси манбалар асосида ўрганилади?
 - а) археологик ва антропологик манбалар
 - б) этнографик ва лингвистик
 - с) нумизматик ва ёзма манбалар
 - д) археологик ва этнографик
 - е) археологик ва ёзма манбалар

ФАННИНГ МАВЗУЛАРИ БҮЙИЧА ЁЗМА ИШ ҮТКАЗИШ ВАРИАНТЛАРИ

- Энеолит даври хронологияси ва тавсифи. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар. Сунъий суғориш.
- Ўрта Осиёнинг энеолит даври ёдгорликларининг ўрганилиш даражаси.
- Энеолит даври маданияти босқичлари. Манзилгоҳлар, қурилиш конструкцияси.
- Жанубий Туркманистоннинг энеолит даври комплексларининг вужудга келиши.
- Саразм маданияти. Манзилгоҳ, қурилиш ва моддий маданият.
- Бронза даврининг умумий хусусиятлари. Хронология ва даврлаштириш.
- Копетдоғ олди, Мурғоб воҳаси (Номозгоҳ) худудлари ёдгорликлари.
- Сополли маданияти ва босқичлари.
- Саразм (III, IV) маданияти. Замонбобо, Сувёрган, Тозабоғёб ва Чуст маданиятлари.
- Хўжалик шакллари. Манзилгоҳлар тузилиши ва режавий хусусиятлари, фортификация, уй-жой қурилиши, диний иншоотлар.
- Хунармандчилик. Тасвирий санъат ёдгорликлари.
- Темир даври умумий тавсифи. Хронология ва даврлаштириш.
- Ўрта Осиёнинг жанубий (Дахистон, Шимолий Парфия, Маргиёна, Шимолий Бақтрия, Сўғд) ва шимолий (Уструшона, Фарғона, Чоч) худудларининг темир даври маданиятлари.
- Хоразмнинг темир даври маданияти. Хўжалиги хусусиятлари ва уларнинг фарқлари.
- Манзилгоҳлар, фортификация, меъморчилик, моддий маданият, санъат.
- Ўрта Осиёнинг илк темир даври маданиятининг (рангдор сопол маданияти) пайдо бўлиш муаммолари.


ТАЛАБАЛАРНИНГ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНИ

- **1.Жорий баҳолаш 30 балл**
- Дарсга қатнашиши**10 балл**
- Мустақил таълим топшириқларини бажариш**10 балл**
- Конспектларни ўз вақтида ёзиш ва ўқув қуролларининг мавжудлиги**10 балл**
- **2.Оралиқ баҳолаш 40 балл**
- Семинар дарсларига тайёргарлик**10 балл**
- Кўшимча материаллардан фойдаланиш**10 балл**
- Интернет материалларидан фойдаланиш**10 балл**
- Газета ва журналларда мақолалар билан қатнашиш**10 балл**
- **3. Якуний баҳолаш 30 балл**
- Ўтилган мавзулар бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиши**30 балл**
- **Жами :** **100 балл**



ТАЛАБАЛАРНИ ЯКУНИЙ БАҲОЛАШДА ЁЗМА ИШ ВАРИАНТЛАРИ


- Археология фани тушунчаси. Археология фанида даврлаштириш ва ёдгорликларнинг даврий санасини аниқлаш.
- Манбалар, ёдгорликлар, археологик маданият. Археологик даврлаштириш ва хронология.
- Археология фанининг ривожланиш тарихи. Тадқиқот қўламининг ўсиши, унинг босқичлари.
- Ўрта Осиё археологияси ва тарих. Ўрта Осиё археологиясининг замонавий босқичлари.
- Илмий адабиётларда одамзоднинг пайдо бўлиши муаммоси масаласида олиб борилган тадқиқотлар жараёни босқичлари.
- Ўзбекистон ҳудудида "онгли одам"нинг пайдо бўлиши ва Фергантроп муаммоси.
- Ибтидоий одамлар маданияти ҳақида маълумот берувчи ёдгорликлар.
- Антропогенез жараёнининг тугалланиши
- Палеолит даври умумий тавсифи. Даврлаштириш ва хронология. Ўрганилиш тарихи.
- Ўрта Осиёning палеолит даври ёдгорликлари.
- Тош куролларига ишлов бериш техникаси ва хусусиятлари Палеоантропологик топилмалар.
- Ўрта Осиёning палеолит даври хўжалиги.
- Мезолит даври умумий тавсифи. Даврлаштириш ва хронология.
- Мезолит даврининг ўрганилиш тарихи.
- Мезолит маданияти ва уларнинг ҳудудий вариантларга бўлиниши.
- Хўжалик ва моддий маданият.
- Мезолит даври қоятош суратлари.



СЛАЙДЛАР
























ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ

Тошкент 2011